

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

**Қўлёзма ҳукукида
УДК 340 (33)**

Яхшиев Акмал Рўзмуродович

**“Капитал қўйилмалар ҳисоби ва ҳисоботини такомиллашти-
риш йўллари» (“Муборакнефтгаз” Унитар шуъба корхонаси
мисолида)”**

Мутахассислик: 5А340901 – “Бухгалтерия ҳисоби” (Тармоқлар бўйича)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: _____ проф. И. Рўзиев

Магистратура бўлими бошлиғи _____ доц. Б. Холбоев

Қарши-2009 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси
муdiri _____ доц. О.Н.Хушмурадов
«_____» _____ 200 йил

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ БЎЙИЧА

РЕЖА - ТОПШИРИҚЛАР

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти Магистратура Кенгашининг 200 йил
“_____” _____ сонли қарори билан тасдиқланган _____
(кафедра номи)

I. _____ кафедраси бўйича

_____ мавзусидаги магистрлик диссертацияси
Илмий раҳбар _____

_____ бошчилигида
(илмий раҳбарнинг исми-фамилияси, лавозими, илмий даражаси, илмий унвони)

II. _____ томонидан

(магистрантнинг исми-фамилияси)

тугалланган ҳолда 1) «_____» _____ 200 йилда ва

2) «_____» _____ 200 йилда _____

_____ кафедрасига дастлабки ҳимоя учун тақдим этилсин

Тадқиқот ишида _____

_____ фойдаланилади
(амалий, статистик, баланс, бошқармаларнинг бир неча йиллик ҳисобот нашрлари, тўпламлари,
ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар, йўриқнома ва ҳ.к.)

Ишда _____

(жадваллар, чизмалар)

_____ берилиши кўзда тутилади

Ишда қуйидаги масалалар баён этилади:

1-гуруҳ _____

2-гуруҳ _____

3-гуруҳ _____

Илмий раҳбар _____

Тингловчи 200 йил «__» _____ да топшириқларни қабул қилди.

Магистрлик диссертациясининг дастлабки нусхасини тугаллаш жадвали

I боб: _____

(диссертациянинг дастлабки иш режаси бўйича I боб номи ва уни тугаллаш муддати)

II боб: _____

(диссертациянинг дастлабки иш режаси бўйича II боб номи ва уни тугаллаш муддати)

III боб: _____

(диссертациянинг дастлабки иш режаси бўйича III боб номи ва уни тугаллаш муддати)

Диссертацияни

(кафедра номи)

кафедрасида «__» _____ да ўтган дастлабки ҳимоясида илмий раҳбар
томонидан берилган топшириқлар:

Топшириқлар қабул қилинди; _____

(тингловчининг имзоси, сана)

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	5
I боб. Капитал қўйилмалар ҳисоби ва ҳисоботининг концептуал асослари	
1.1. Капитал қўйилмаларнинг моҳияти, уларни таснифлаш асослари ва тавсифи.....	11
1.2. Капитал қўйилмалар ҳисоби ва ҳисоботининг вазифалари ва тамойиллари.....	20
1.3. Капитал қўйилмалар аудитининг назарий ва ташкилий масалалари	30
I боб бўйича хулосалар.....	41
II боб. Капитал қўйилмалар ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда аудитининг амалий жиҳатлари.	
2.1. Капитал қўйилмалар ҳисоби ва ҳисоботининг ҳозирги ҳолати ва муаммолари.....	42
2.2. Капитал қўйилмаларга сарфланган харажатларни ҳисобга олиш ва таннарх аниқлашни мукамаллаштириш.....	50
2.3. Бухгалтерия ҳисобида капитал қўйилмаларни баҳолаш ва капитал - лаштириш муаммолари.....	62
2.4. Капитал қўйилмалар самарадорлиги кўрсаткичларининг аудиторлик таҳлили.....	71
II боб бўйича хулосалар.....	75
III боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида капитал қўйилмалар ҳисоби, ҳисоботи ва аудитини такомиллаштириш масалалари	
3.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат корхоналарида капитал қўйилмалар ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш.....	78
3.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида капитал қўйилмалар аудитининг услубини такомиллаштириш.....	89
III боб бўйича хулосалар.....	96
Хулосалар	99
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	102
Иловалар.....	

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон молиявий–иқтисодий инқироzi шароитида мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, шунингдек sanoat тармоқлари тизимидаги янги инфратузилмаларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш ва иқтисодий рақобатбардошлигини таъминлаш ниҳоятда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «...Замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, шу асосда иқтисодиётни изчил ва барқарор юксалтириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида “2009 йилда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада риволантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” махсус дастур қабул қилинди ва унинг бажарилиши кескин назоратга олинди»¹.

Ушбу муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши, хусусан sanoat тармоқларини моддий-техника ҳолатини яхшилаш, уларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш капитал қўйилмаларни самарали амалга оширишга бевосита боғлиқдир.

Юртбошимиз “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида инвестициялар ва инвестицион муҳит тўғрисида қуйидагиларга алоҳида таъкидлаган:- “Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. 2008 йилда иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Бу 2007 йил билан таққослаганда, 28,3 фоизга кўп бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан инвестициялар ҳажми 23 фоизни ташкил этди.

¹ И.А.Каримов. Мамлакимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш-давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.-Т.: Халқ сўзи. 2009йил 14 феврал.

Ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг 50 фоизга яқини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилганини таъкидлаш даркор.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил ва барқарор ўсиб бораётгани эътиборга сазовордир. 2008 йилда 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўп демакдир. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этди. Жаҳон инқироzi давом этаётганига қарамасдан, 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳажми 1 миллиард 800 миллион долларга кўпаяди, бунинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри инвестициялардир.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 фоизини корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этади. Бу мамлакатимизда солиқ юқини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган солиқ сиёсати қанчалик тўғри эканини яна бир бор тасдиқлайди.²

Аммо, мамлакатимиз ҳисоб тизимида саноат тармоқларида капитал кўйилмаларни ҳисобга олиш ва улар аудитини ўтказишнинг амалдаги тизими сарфланган капитал харажатларни тўлиқ ва ишончли акс эттириш, лойиҳаларни молиялаштиришга жалб этилган маблағларни аниқ мақсадга йўналтириш, капитал қурилишни молиялаштиришда маблағлар тақчиллигини бартараф этиш ҳамда қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга ўз вақтида топширилишини таъминлаш имконини бермайди. Шунингдек, республикаимизда бу масалалар бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-б.

бошқа меъерий ҳужжатлар талаблари даражасида илмий жиҳатдан тўлиқ ҳал этилмаган. Бундан ташқари, иқтисодчи олимлар томонидан капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича ҳозиргача бажарилган тадқиқотлар асосан режали иқтисодиёт тамойилларига мувофиқлаштирилган бўлиб, бу борадаги муаммоларнинг замонавий ечимларини батафсил қамраб олмайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга хорижлик олимлардан Аксененко А.Ф., Шеремет А.Д., Нидлз Б., Ивашкевич В.В., Ткач В.И., Ришар Ж., Кондраков Н.П., Новиченко П.П. кабилар муҳим ҳисса қўшишган. Ушбу масалаларнинг айрим жиҳатлари республикамиз олимларидан Ғозибеков Д.Ғ. Жуманов А.М., Ибрагимов А.К., Сотиволдиев А.С., Қудбиев Д. Абдуллаев Ё.А., Пардаев М.Ў., Пардаев А.Х., Шарифхўжаев М.Ш., Тўлахўжаева М.М., Жўраев Н.Ю., Санаев Н.С., Дўсмуратов Р.Д., Воҳидов С.В., Акрамов Э.А., Мусаев Ҳ.Н., Усанов А., Хасанов Б.А., Каримов А.А., Ўразов К.Б.ларнинг илмий асарларида ўз ифодасини топган. Муаммонинг махсус жиҳатлари Худайбердиев А.Ҳ., Илҳомов Ш.И., Жўраев О.Н.ларнинг илмий ишларида ўрганилган. Аммо бу олимлар масалага кўпроқ инвестициялар ҳисоби, таҳлили ва аудити нуқтаи назаридан ёндашганлар. МДҲ олимларидан С.М. усмагамбетов А.В. Суганов Е.Ю. Пинчуковаларнинг диссертация авторефератларида инвестицияларни баҳолаш, бизнес режалаштириш ва бошқариш масалаларига кўпроқ эътибор қаратганлар.³

Бироқ, таҳлилларнинг кўрсатишича, айти пайтгача мамлакатимизда капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитининг долзарб муаммоларини комплекс

³ Интернет сайти маълумотлари:

- <http://www.welcenter.ru>. (Кусмагамбетов С.М. Формирование инвестиций при оптимизации развития производства в промышленных предприятиях.: Автореф. дис....канд. экон. наук.-М.: 2001.-с.6-7.);
- <http://www.dissertationl.narod.ru>. (Пинчукова Е.Ю. Управление эффективностью инвестиционной деятельности предприятия.: Автореф. дис.канд. экон. наук.-М.: 1998.-с. 5.);
- <http://www.ogbus.ru>. (Суганов А.В. Методика оценки и перспективы развития технического потенциала производства.: Автореф. дис....канд. экон. наук.-М.: 2004.-с.9-11.).

тадқиқ этишга, соҳада бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича юзага келган муаммоларни ҳал этишга бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Юқорида таъкидланган муаммолар танланган мавзунинг ниҳоятда долзарблиги ва замонавийлигидан далолат беради ҳамда тадқиқот ишининг асосий йўналишлари мазмунини белгилайди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси ҳамда олиб борилган тадқиқот Қарши муҳандислик институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан ўзаро боғлиқ.

Тадқиқот объекти сифатида Қашқадарё вилояти саноат тармоқлари тизимидаги капитал қўйилмаларни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар танлаб олинди.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари. Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида саноат корхоналарида капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитининг назарий, услубий ва ташкилий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тавсия ва таклифлар беришдан иборат.

Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгилаб олинди: бозор муносабатлари шароитида капитал қўйилмаларнинг моҳияти, ўрни ва аҳамиятини очиқ бериш, уларга илмий жиҳатдан асосланган таъриф бериш; капитал қўйилмалар ҳисоби бўйича қўлланилаётган дастлабки ҳужжатлар шакллари такомиллаштириш; узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсияларни асослаш; тараққий этган мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш асосида капитал қўйилмаларнинг аналитик ҳисобини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш; хўжалик усулида бажарилган капитал қурилишда капитал қўйилмаларни баҳолаш ва кредит фоизларини капиталлаштириш услубини таклиф қилиш; капитал қўйилмаларни текширишда аудиторнинг ишчи ҳужжатларини намунавий шакллари тавсия этиш; капитал қўйилмалар

аудити усулларини танлаш ва амалиётга қўллаш бўйича тавсиялар бериш; капитал қўйилмалар аудити жараёнида аудитор томонидан молиявий таҳлил усулларида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Диссертацияда капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича келтирилган хулоса ва таклифлардан республикада бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий стандартларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертациянинг кўпгина назарий қоидаларини олий ўқув юртларида “Молиявий ҳисоб”, “Молиявий таҳлил”, “Аудит” каби фанларни ўқитиш жараёнига тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг амалий аҳамияти унинг асосий натижаларини халқ хўжалиги тизимидаги корхоналарда капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитини ташкил этиш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқишда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари корхоналарда тугалланган объектлар инвентарь қийматини калькуляция қилиш тартибини соддалаштириш ва молиявий ҳисоботда капитал қўйилмалар бўйича ахборотларни тўлиқ акс эттиришни таъминлайди.

Диссертациянинг илмий янгиликлари. Илмий янгиликларни ташкил этувчи энг муҳим хулоса ва таклифлар қуйидагилардан иборат:

- бозор муносабатлари шароитида капитал қўйилмаларнинг моҳияти очиқ берилди, уларнинг илмий жиҳатдан мукаммаллашган таърифи келтирилди;

- капитал қўйилмалар бўйича бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома, капитал қўйилмалар бўйича харажатлар ҳисоби қайдномаси, бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси каби дастлабки ҳужжатларнинг шакллари такомиллаштирилди;

- узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

- ривожланган мамлакатлар тажрибасини таҳлил этиш асосида капитал

қўйилмалар ҳисобини такомиллаштириш имконини берадиган янги аналитик счетлар ва уларнинг ўзаро алоқалари тавсия қилинди;

- хўжалик усулида бажарилган капитал қурилишда трансферт баҳони қўллаш, кредит ва улар бўйича фоизларни капиталлаштириш услуги таклиф қилинди;

- капитал қўйилмаларни текширишда аудиторнинг ишчи ҳужжатларидан аудит ўтказиш режаси, аудит дастури, тестлар ва саволномаларнинг намунавий шакллари тавсия этилди;

- капитал қўйилмалар аудити жараёнида молиявий таҳлил маълумотларидан фойдаланиш услублари илмий асосланди;

- капитал қўйилмалар аудитини ўтказишда ҳужжатли текшириш ва ашёвий текшириш усуллари қўллаш бўйича тавсиялар берилди.

Тадқиқот предмети бўлиб хўжалик юритувчи субъектлар тизимидаги капитал қўйилмалар ҳисобланади.

Тадқиқот объекти “Муборакнефтваз” Унитар шўба корхонасининг 2006-2008 йиллардаги йиллик молиявий ҳисоботлари маълумотлари асос қилиб олинди.

Илмий ишнинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, мазмунан узвий боғланган учта боб, хулосалар, 17 та жадвал, 7 та расм, адабиётлар рўйхати ҳамда 4 та иловаларни мужассамлаштирган 110 бетлик матнни ташкил этади.

I БОБ. КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.

1.1. Капитал қўйилмаларнинг моҳияти, уларни таснифлаш асослари ва тавсифи.

Жаҳон молиявий инқирози шароитида Республикамизда капитал қўйилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳамияти, муҳим ўрни улар ҳисобини янги талаблар асосида ташкил этиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Инвестициялар жараёнида капитал қўйилмаларнинг ўрнини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш зарурияти тадқиқ этилаётган объектнинг ўзига хослиги билан белгиланади. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «инвестиция соҳаси мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини, барқарорлигини таъминлайди ва халқ хўжалиги барча тармоқларининг жадал ўсиши, бўлғуси юксалишнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилади»⁴.

Саноат корхоналари амалиётида капитал қўйилмаларнинг заруратини асослаш ва иқтисодий мазмунини ёритишда уларни инвестиция фаолияти билан боғлиқ ҳамда фарқли жиҳатларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда инвестиция фаолияти «Инвестиция фаолияти» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, «инвестициялар - иқтисодий ёки бошқа фаолият объектларига сарфланадиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлардан иборат»⁵.

Инвестицияларнинг моҳияти тўғрисидаги замонавий қарашларни шарҳлаш, таққослаш ва танқидий баҳолаш микро ва макро иқтисодий даража учун улар мазмунидаги сезиларли фарқларни аниқлаш имконини берди.

⁴ И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1998 йил якунлари ва 1999 йилда иқтисодиётнинг устувор йўналишлари. //Халқ сўзи. 1999 йил 17 феврал.

⁵ «Инвестиция фаолияти» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.-Т.: 1998.

Жаҳон молиявий инқирози шароитида инвестицияларнинг аҳамияти тўғрисида юртбошимиз ҳам ўз маърузаларида алоҳида эътибор қаратган ҳолда қуйидагиларни таъкидлаб, “...биз ҳозирданоқ тараққиётимизнинг инқироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак. Бу дастур иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақабатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни ўзида мужассам этиши даркор. ... Шу борада, дастлабки ҳисоб – китобларга кўра, умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган қарийиб 300 та инвестиция лойиҳаси устида ишламоқдамиз. Жумладан, бунда янги қурилиш лойиҳалари-18,5 миллиард долларни, модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар эса тахминан 6 миллиард долларни ташкил қилади. Шуниси эътиборга сазоворки, ушбу лойиҳаларнинг бир қисми бўйича 2007-2008 йилларда қурилиш ишлари бошлаб юборилган, баъзиларининг қурилишини эса 2009 йилда бошлаш кўзда тутилмоқда.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур лойиҳаларнинг амлга оширилиши инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобидан йилига 10, 4 миллиард долларлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, йиллик экспортни 6, 5 миллиард долларга кўпайтириш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини беради.”⁶ -деган эдилар.

⁶ И.А.Каримов. Мамлакимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш-давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.-Т.: Халқ сўзи. 2009йил 14 феврал.

Олимлар ўртасида инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва мазмуни турлича талқин этилади.

Профессор Д.Ғ.Ғозибековнинг фикрича, «одатда, макроиқтисодий даражада инвестициялар дейилганда ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқаришга, янги уй-жой биноларини, товар-моддий захираларини кўпайтириш ва шу кабиларга йўналитирилган харажатларнинг бир қисми тушунилади» (2.27., 12 б.).

У. Шарп, Дж. Бейлиларнинг таърифича, «инвестициялар келгусида қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматликдан воз кечишдир» (2.28., 20 б.).

К.Ўразовнинг таъкидлашича, «инвестиция сўзининг иқтисодий моҳияти маблағ киритишни англатади» (2.26., 5-7 б.б.).

Инвестициялар микро даражада яъни алоҳида хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахс нуқтаи-назаридан, келгусида даромад ёки ижтимоий самара олиш мақсадида сарфланган харажатлар ҳисобланади.

Капиталлашувига кўра инвестициялар молиявий ва капитал инвестицияларга бўлинади.

Молиявий инвестициялар эса келгусида инвесторга қайтариладиган, тавсифига кўра капиталлашмайдиган, фақатгина қўшимча даромад олиш мақсадида бошқа корхоналар фаолиятига маълум муддатларга киритилган маблағлардир.

Капитал инвестициялар ёки капитал қўйилмалар бевосита корхоналарнинг моддий-техника базасини ташкил этувчи асосий воситалар ва номоддий активлар қийматига киритилладиган яъни келгусида корхоналарнинг асосий капиталига айланадиган инвестициялар ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналари фаолиятини истиқболли ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири уларнинг моддий техника базасини ривожлантиришдир. Бу мақсадда киритилган инвестиция-

ларнинг алоҳида хусусияти шундаки, улар капиталлашади ва капитал инвестициялар деб аталади.

Ҳозирги кунда корхоналар амалиётида ва иқтисодий адабиётларда “инвестициялар”, “капитал қўйилмалар” ва “айланмадан ташқари активларга капитал қўйилмалар” каби иқтисодий атамалар кенг қўлланилмоқда. Мазкур атамаларнинг фарқли жиҳатларини ажратиш бўйича иқтисодчи олимлар ўртасида мунозаралар мавжуд. Умуман олганда, бу атамалар корхона мулкини қуриш, сотиб олиш, янгилаш, кенгайтириш ва қайта таъмирлаш каби маъноларни англатади. Аммо, уларнинг ўзига хос қатор фарқли жиҳатлари мавжуд.

Ф. М. Фремгернинг фикрича, “инвестиция - бу келажакда кўпроқ истеъмол қилиш имкониятига эга бўлиш учун эртанги кунга қолдирилган нарсас. Унинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан захирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслардир” (2.23., 69 б.). Бу таъриф кўпроқ капитал қўйилмаларга мос келади.

“Инвестиция” ва “капитал қўйилма” атамаларининг бир-биридан фарқли жиҳатларини Д. Ғ. Ғозибеков қуйидагича ажратади: “инвестициялар” атамаси “капитал қўйилма”, “инвестицияларнинг мулкӣ шакли”, “капитал”, “кредит” ва бошқа атамаларга кўра кенгроқ тушунча ҳисобланади (2.12., 25 б.).

Биз ҳам ушбу фикрга қўшиламиз, инвестицияларнинг қамрови кенгроқ бўлиб, улар нафақат қимматли қоғозларни молиялаштириш, балки асосий воситалар, айланма маблағларга сарфланган маблағларни ҳам ўз ичига олади.

“Айланмадан ташқари активларга капитал қўйилмалар” атамасининг моҳиятини тушуниш учун аввало уларни тан олиш мезонлари ва таркибини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Айланмадан ташқари активлар қуйидаги шартларга жавоб берган ҳолатдагина тан олинади:

1. Фойдали хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлиши лозим;

2. Корхона асосий фаолиятида иштирок этиши зарур;
3. Олиб сотиш мақсадида фойдаланилаётган бўлса.

Шу нуқтаи-назардан, айланмадан ташқари активлар таркибига сотиш учун мўлжалланган, ишлаб чиқариш жараёнида деярли фойдаланилмайдиган ер ва бинолар кирмайди. Улар узок муддатли активлар таркибига киритилади. Объектларни муайян гуруҳга мансублигини асослашда уларнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиш зарур. Масалан, ёғочбоп кўп йиллик дарахтлар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнида асосий восита ҳисобланса, ёғочни қайта ишлаш цехида эса айланма маблағ ҳисобланади.

Айланмадан ташқари активларни моддий активлар, номоддий активлар ва табиий ресурслардан иборат гуруҳга бўлиш мумкин.

Моддий активларга фойдаланишдаги ер, бино ва иншоотлар, асбоб-ускуналар киритилади. Улар табиий кўринишга эга бўлиб, алоҳида хусусиятлари билан фарқланади. Масалан, ердан фойдаланиш муддати чекланмаган ва у моддий активлар ичида амортизация ҳисобланмайдиган ягона актив ҳисобланади.


Табиий ресурсларнинг иқтисодий жиҳатдан ердан фарқли томонлари мавжуд. Улар қазиб олинади, маҳсулотлар ишлаб чиқаришда дастлабки хомашё сифатида фойдаланилади ва қайта ишланади. Уларга темир рудаси, нефть, газ, ўрмон метериаллари ва бошқалар киради. Табиий ресурсларга ҳам амортизация ҳисобланмайди. Уларни қазиб олиш, қирқиш, кесиш ва сўриб олиш натижасида тугаб боради.

Номоддий активлар моддий-ашёвий кўринишга эга бўлмаган, хўжалик юритувчи субъект томонидан асосий фаолиятда фойдаланиш ёки бошқариш учун назорат қилинадиган объектлардир.

Айланмадан ташқари активларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда жорий даврда уларга сарфланадиган капитал харажатлар ва уларнинг балансида акс эттириладиган қолдиқ қийматини ҳисоблаш асосий вазифалардан

саналади. Бу вазифаларни амалга оширишда қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш лозим:

1. Айланмадан ташқари активларнинг дастлабки қийматини аниқлаш;
2. Айланмадан ташқари активларнинг бир қисмини корхона харажатларига олиб бориш усуллари танлаш;
3. Айланмадан ташқари активлардан фойдаланиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиқиш;
4. Айланмадан ташқари активларни чиқиб кетишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш (1.1.-расм).



Манба: Нидлз Б. и др. Принципы бухгалтерского учета.-М.: Финансы и статистика. 1994.-496 с. (198 с.).

1.1-расм. Айланмадан ташқари активларни ҳисобга олиш.

О.Бобожонов, К. Жуманиёзовларнинг таъкидлашича, “Капитал қўйилмалар деб субъект томонидан янги асосий воситаларни қуриш, сотиб олиш, реконструкция қилиш, фойдаланилмаётган асосий воситалар объектларини кенгайтириш ва техникавий жиҳозлаш учун маблағларнинг сарфланишига айтилади” (2.1.,117 б.)

Асосий воситаларни таъмирлаш, асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш, ёқилғи сотиб олиш харажатлари эса нокапитал харажатлар ёки ҳисобот йилида даромад олиш мақсадида сарфланган харажатлар ҳисобланади.

Капитал қўйилмалар билан нокапитал харажатларни фарқлаш зарур. Нокапитал харажатлар ҳисобот даврида даромад келтиради. Капитал қўйилмалар эса бир неча йиллардан кейин даромад келтира бошлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар амалиётида капитал қўйилмалар муҳим аҳамиятга эга.

Олиб борилган илмий изланиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, яқин беш йилликда аксарият хорижий иқтисодчи олимлар томонидан капитал қўйилмалар ҳисобини такомиллаштириш борасида амалга оширилган тадқиқот ишларида капитал қўйилмалар ҳисобининг айрим жиҳатларигина муайян тармоқ мисолида тадқиқ этилган.

Аммо, мазкур тадқиқот ишида саноат корхоналарида капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш борасидаги муаммолар ўрганилмаган. Шунингдек, ушбу тадқиқотчиларнинг илмий асарларида капитал қўйилмаларнинг асосий таркибий қисмларини шакллантириш ва яратиш муаммоларига етарли даражада тўхталмаган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳозирги кунда капитал қўйилмаларга таъриф беришда иқтисодчи олимлар ўртасида турлича қарашлар мавжуд.

А.С.Сотиволдиевнинг фикрича, “корхона томонидан янги қурилишга, асосий воситаларни сотиб олишга, реконструкцияга, ҳаракатдаги асосий воситаларни кенгайтириш ва қувватини техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга сарфланган пул маблағлар капитал қўйилмалар ҳисобланади” (2.14., 160 б.).

Бу таърифда капитал қўйилмалар мазмунини ёритишда кўпроқ асосий воситаларни яратиш ва кенгайтиришга сарфланган харажатларга эътибор қаратилган. Аммо, бунда капитал қўйилмалар таркиби тўлиқ ўз ифодасини топмаган. Шунингдек, мазкур таърифда капитал қўйилмалар сифатида асосан сарфланган пул маблағлари таъкидланган. Капитал қўйилмалар нафақат пул

маблағлари, балки моддий маблағлар (материаллар, номоддий активлар, ускуналар ва бошқалар) кўринишида ҳам бўлиши мумкин.

В.Ф.Палийнинг таърифича, «капитал сарфлар ёки капитал қўйилмалар бу асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли фойдаланиладиган активларни сотиб олиш ва қуриш билан боғлиқ бўлган сарфлардир» (2.12., 218 б.).

Мазкур фикрларни О.Бобожонов ва К.Жуманиёзовлар ҳам қўллаб-қувватлашади. Уларнинг ёзишича, «ускуналарни таъмирлаш, уларга хизмат кўрсатиш, ёқилғи сотиб олиш харажатлари яъни субъектларнинг фаолияти учун зарур бўлган барча харажатлар нокапитал харажатларга ёки чиқимларга киритилади, чунки улар ушбу ҳисобот даврида даромад олиш учун сарфланган харажатларни ифодалайди» (2.1., 127 б.).

С. Ваҳидовнинг фикрича, «капитал қўйилмалар бу-хўжаликнинг такрор ишлаб чиқаришини кенгайтириш ҳамда унинг сифатини яхшилашга йўналтирилган харажатлар мажмуидир» (2.3., 6 б.).

А.А.Каримовнинг ёзишича, «капитал қўйилмалар асосий воситаларни такрор ишлаб чиқариш, кенгайтириш ҳамда уларнинг сифат таркибини яхшилаш харажатларининг мажмуидир». (2.6., 222 б.). Мазкур таърифда ҳам капитал қўйилмалар тавсифи тўлиқ очиб берилмаган.

Бу таърифлар капитал қўйилмалар моҳиятини тўлиқ ифодаламайдн. Чунки, капитал харажатлар фақатгина асосий воситаларга нисбатан эмас, балки номоддий активларга нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандарти (БҲМС) га мувофиқ, капитал қўйилмаларга қуйидагича таъриф берилади: “капитал қўйилмалар бу корхонанинг асосий воситалари ва номоддий активларига қўйилган инвестициялари, шунингдек маҳсулдор ва иш ҳайвонлари подасини ташкил этиш харажатларидир (қийматидан қатъий назар айланма маблағларга кирувчи парранда, мўйнали ҳайвонлар, қуёнлар, асалари, чанага қўшиладиган ва соқчи итлар, тажриба ҳайвонларидан ташқари)” (1.5., 55-57 б.б.).

Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, капитал қўйилмаларга иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар унинг моҳиятини тўлиқ ёритиб бера олмайди. Чунки, мазкур таърифларда капитал қўйилмаларнинг айрим замонавий турларининг яратилиши ўз ифодасини топмаган, яъни дастурий таъминот, савдо белгилари, муаллифлик ҳуқуқлари каби номоддий активлар қурилмайди, сотиб олинмайди, таъмирланмайди, балки яратилади. Буларга субъектнинг ходимлари томонидан яратилган турли ишланмалар, саноат намуналари ихтироларни кириш мумкин. Айрим капитал таъмир харажатлари бухгалтерия ҳисобининг концептуал асосларига мувофиқ келмайди. Чунки капитал таъмир харажатлари катта суммани ташкил этиб, улар асосий воситани фойдали муддатини оширади. Бу эса, капитал қўйилмаларни барча хусусиятларини акс эттирадиган мукаммаллашган таърифни келтиришни талаб этади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда капитал қўйилмаларга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқдир: «*капитал қўйилмалар* - асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш, қуриш, капитал таъмирлаш, кенгайтириш ҳамда *яратиш* * билан боғлиқ харажатлар йиғиндисидир».

Бозор муносабатларининг ривожланиши ишлаб чиқариш ҳисобининг ташкилий даражасига янада юқорироқ талаблар қўяди, чунки у корхона ва унинг ички бўлинмаларини иш фаолияти тўғрисида ҳақиқий маълумотларни олишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ушбу маълумотлар асосида корхонанинг молиявий натижалари аниқланади.

* капитал қўйилмаларнинг таърифига яратиш сўзини киритишни муаллиф таклиф этмоқда.

1.2. Капитал қўйилмалар ҳисоби ва ҳисоботининг вазифалари ва тамойиллари

Капитал қўйилмалар бўйича харажатларни ҳисобга олишдаги асосий вазифалар қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир:

- капитал қўйилмалар объекти ва турлари бўйича ҳақиқий бажарилган ишлар харажатларини ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли ҳисобга олиш;
- капитал қўйилмаларни дастлабки ва йиғма ҳужжатларда белгиланган тартибга мувофиқ расмийлаштириш;
- қўлланилаётган меъёрий ва режа таннархидан оғишишларни аниқлаш;
- смета қиймати ва бажариладиган ишларнинг ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқларни қайд этиш ҳамда таҳлил қилиш;
- моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, турли мулкчилик шаклларнинг пайдо бўлиши, корхоналарнинг ташқи бозорга чиқа бошлаши амалдаги бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради.

Амалиётда бухгалтерия ҳисоби хўжаликларнинг молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларининг ҳолати, тадбиркорлик натижасидаги харажатлари, маҳсулот сотишдан олинadиган даромадларни ўз вақтида аниқлаш имконини бериши керак, натижада корхона молиявий натижасини аниқлаш бухгалтерия ҳисоби ахборотларининг тўлиқлиги, ўз вақтида маълумот истеъмолчиларга етказилишига боғлиқдир. Чунки ҳозирги вақтда бухгалтерия ҳисоби корхоналар бошқарув тизимини зарур маълумотлар билан таъминлай олмайди. Шунингдек, корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган капитал қўйилмалар ҳисоби ҳам самарали ташкил этилмаган.

Бозор муносабатлари жараёнида бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифаси корхона бошқарув тизимини маълумот билан таъминлаш ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ушбу вазифанинг қониқарсиз бажарилаётганлиги ва бу борада ўзгартиришлар қилиш ҳамда капитал қўйилмалар бухгалтерия ҳисобини бозор иқтисоди талабларига мос қилиб такомиллаштириб бориш давр талаби эканлиги яққол намоён бўлмоқда.

Капитал қўйилмалар ҳисобини бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш фақатгина ҳисоб маълумотлари доирасининг мазмунини, мақсадга мувофиқлигини, муддатини, бухгалтерия ҳисобини юритиш капитал қўйилмаларни бошқарув ҳисобининг объектларини акс эттириш усулларини кенгайтириш асосида бўлмаслиги керак, чунки ушбу ҳолат ҳисоб ишларининг ҳажми ортишига олиб келиши мумкин. Капитал қўйилмалар бухгалтерия ҳисоби ишлаб чиқаришнинг бошқарув тизимида фақатгина бошқарув объектлари ҳақида маълумот бериш манбаи бўлиб қолмасдан, балки унинг ҳолати устидан тезкор равишда назорат қилиш воситаси ҳам ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг ажралмас қисми ҳисобланган бошқарув ҳисобини амалиётга жорий қилиш зарурияти келиб чиқмоқда. Чунки хориж сармояларининг мамлакатимиз иқтисодиётига кириб келиши ва хорижий ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатилиши капитал қўйилмалар ҳисобини ҳам шу нуқтаи-назардан баҳолашни, уларни халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил этиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Республикамизда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари қабул қилинмасдан олдин иқтисодчи олимларимиз ўртасида бошқарув ва молиявий ҳисобига турлича қарашлар мавжуд бўлган, бу соҳада баҳс-мунозаралар юритишган.

Жумладан, Қодирхонов С.нинг фикрича, “Агар хоҳланса ишлаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия ҳисобини алоҳида юритиш мумкин, яъни ишлаб чиқариш харажатлари счетларини умумий тизимидан ажратиб олган ҳолда юритиб, шу билан ғарбий мамлакатларда кенг тарқалган ишлаб чиқариш ва молия бухгалтерия ҳисобига ўтиш мумкин. Натижада ишлаб чиқариш

бухгалтерияси билан молия бухгалтерияси ташкилий жиҳатдан ажратилиши мумкин бўлади. Бунда ишлаб чиқариш бухгалтерияси ҳисобни ишлаб чиқаришни бошқариш ва ишлаб чиқариш таннархини калькуляция қилишнинг манфаатини кўзлаб юритилса, молиявий ҳисоб корхонанинг молиявий ҳисоботини тузиш ва унинг молиявий ҳамда тижорат фаолиятини бошқариш мақсадида юритилади.

Ҳисобчиликнинг бундай тартибига ўтиш ҳар хил даражадаги бошқарув тизимини зарурий ахборотлар билан таъминлашни сезиларли равишда такомиллаштириш билан бирга, ишлаб чиқариш харажатлари, таннарх ва маҳсулот айрим турларининг рентабеллик даражаси ҳақида тижорат сирларини сақлаш (яшириш) имконини беради” (2.25., 229-230 б.б.).

Юқоридагиларни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини ривожланган мамлакатлардаги каби молиявий ва бошқарув ҳисобларига бўлиб ташкил қилиш тартибини назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш керак. Харажатлар ичида да айрим объектлар ва бўлинмалар бўйича харажатларни ўрни катта. Айни пайтдаги харажатлар ҳисоби концепциясига кўра ҳисобот шакллари ва талаблари анча қисқарди, бухгалтерия ҳисоби халқаро амалиётига кўра харажатларни доимий ва ўзгарувчан гуруҳларга бўлиш қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» ги Низом (кейинги ўзгартиришлар билан) ишлаб чиқариш харажатлари, шу жумладан қурилиш соҳалари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобида халқаро амалиётдан фойдаланиш имконини беради. Лекин қилинган ишларнинг ижобий характерига қарамай ишлаб чиқариш харажатларини гуруҳлаш ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш ва яхшилаш зарур.

Ушбу Низомга асосан мамалакатимиз ҳисоб тизимида бухгалтерия ҳисобини молиявий ва бошқарув ҳисобига бўлиш бўйича амалий ишлар қилинди яъни молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби, уларнинг моҳияти ва фарқлари, қўлланилиши доиралари белгилаб берилди. Шу ўринда савол туғилиши табиий капитал қўйилмалар ҳисобини юритиш молиявий ҳисобнинг вазифасига кирадими ёки бошқарув ҳисобини? Капитал қўйилмалар иқтисодий мазмунига кўра харажатлар гуруҳига кирганлиги туфайли уни бошқарув ҳисобига киритиш мантиқан тўғри бўлар эди.

Навбатдаги муаммо, капитал қўйилмалар бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ички фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоб счетлар режасини ишлаб чиқиш, бухгалтерия ҳисобини ташкилий асослари ва услубиётини, харажатларининг келиб чиқиш жойлари ва жавобгарлик марказлари бўйича таҳлил ва назорат қилиниши ресурслардан фойдаланишда меъёрлардан четга чиқишлар каби вазиятлар этиборга олинishi керак. Ушбу муаммолар ижобий ҳал этилгандагина, бухгалтерия ҳисобининг самарадорлиги ва бошқаришдаги ўрни ошади.


Яна бир муаммо бу ҳисоб йўналишларидан бири «ишлаб чиқариш ҳисоби» атамасини капитал қўйилмалар доирасида аниқлашдир. Бу атама янги атама эмас, балки уни кўпгина хўжалик юритувчи субъектлар қўллаб келмоқда. Баъзи ҳолларда у «Ишлаб чиқариш ҳисоби» ёки таннарх ҳисоби деб юритилмоқда. Ҳозирги кундаги долзарб масала ушбу атамани тўғри аниқлаш ва уни халқаро амалиётдаги атамаларга мослаб юритишдир.

“Accounting” сўзи “ҳисоб”, “Cos” – “харажатлар, сарфлар”, “cost accounting” сўзи “таннарх калькуляцияси” маъносини билдиради (2.5., 125 б).

Юқоридаги таърифларни умумлаштириб хулоса қилганимизда, ишлаб чиқариш харажатлари бевосита ишлаб чиқариш учун сарфланган моддий ва меҳнат харажатлари йиғиндисидан иборат бўлиб, корхонани ишлаб чиқариш таннархини аниқлашда асос ҳисобланади. Шу ўринда, табиий савол туғилади. Капитал қўйилмалар қийматликларми ёки ишлаб чиқариш сарфими? Масалан,

қурилишга қилинган сарф-харажат қайси бухгалтерия ҳисоби сче­ти­да, қай йўсинда ҳисобга олиниши керак? Бу тушунчаларни ойдинлаштириш учун айрим иқтисодчи олимлар фикрларини келтириш мумкин.

Яругова А.нинг таъкидлашича, “бошқарув ҳисоби харажатлар ва даромадларнинг ҳисоби бутун хўжалик фаолиятининг, шу жумладан капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини ҳисобга олиш ва хўжалик жараёнларини оптималлаштириш усуллари­ни ўз ичига олмоқда” (2.23., 125 б.).



1.2- расм. Корхоналарда капитал қўйилмаларнинг молиявий ва бошқарув ҳисобини ташкил этиш.

Бунинг учун аввало, молиявий ва бошқарув ҳисобининг объекти ва вазифаларини аниқлаб олиш зарур.

Бобожонов О., Жуманиёзов К. ларнинг фикрича, «молиявий ҳисоб ташкилотнинг молиявий тарихини акс эттиради. Бухгалтерия ўтказмалари хўжалик муомалалари содир бўлиб ўтгандан кейин берилади. Гарчи молиявий ҳисоботнинг маълумотлари режалаштириш учун асос қилиниб олинса ҳам,

улар ўз табиатларига кўра тарихий хусусиятга эгадир. Бошқарув ҳисоби эса тарихий хусусиятга эга бўлган ахборот билан биргаликда, келажакни баҳолаш ва режалаштиришни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, улар молиявий ва бошқарув бухгалтериясининг ўзаро боғлиқлигини қуйидагича тасвирлашади: (2.1., 36 б.).

В.Ф.Палийнинг фикрича, “Молиявий ҳисоботларнинг маълумотлари ҳақи-қий фойдаланувчилар учун яқуний маълумотлардир. Бу маълумотлар тугал-ланган муомалаларни акс эттиради. Бошқарув ҳисоби асосан ички муомалалар назорати ва режалаштириш билан шуғулланади. Унинг фаолияти асосан келгуси муомалалар ҳисобига йўналтирилган” (2.12., 86 б.).

Хулоса қилиб айтганда, бошқарув ҳисоби корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг хусусияти, бошқарув тизимининг ташкил этилиши, ҳужжатлаштириш жараёнларининг хусусиятларига қараб ҳар бир корхонада, шу корхонанинг ҳисоб сиёсатининг ташкил этилишига кўра юритилади.

Бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг юқори даражаси бўлиб ва ишлаб чиқаришни оптималлаштиришнинг актив қуроли бўлиб, максимал фойда олиш имконини беради.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирганимизда, молиявий ҳисоб бўлиб ўтган муомалаларни ҳисобга олса, бошқарув ҳисоби бўлиб ўтган муомалаларни ҳисобга олиш билан бирга, келажакни режалаштириш ва баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Демак, бошқарув ҳисоби ахборотларни қамраб олиш хусусиятига нисбатан кенгроқ. Шу сабабли, капитал қўйилмалар ҳисобини молиявий ва бошқарув ҳисобининг зарур элементларини ўзида мужассам этган ҳисоб сиёсатига биноан олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, аввало, молиявий ҳисоб қийматликни ҳисобга олса, капитал қўйилма ҳам иқтисодий фойда келтирувчи қийматлик шаклига келтирилмаган активни яратиш учун сарфланган капитал харажатлардан иборат. Иккинчидан, капитал қўйилмалар тугалланмаган жараён эканлигини инобатга олганимизда, бу

харажатлар молиявий ҳисобнинг эмас, балки кўпроқ бошқарув ҳисобининг объекти сифатида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.



1.3 -расм. Капитал қўйилмаларнинг таснифланиши.

Юқоридаги фикрларимизга асосланган ҳолда капитал қўйилмалар ҳам молиявий ҳисоб, ҳам бошқарув ҳисобини объекти бўлиб ҳисобланганли сабабли уларнинг ҳар иккаласига доир аниқ объектларни ажратиб ҳисобга олиб боришни энг маъқул вариант деб ҳисоблаймиз. Бизнингча капитал қўйилмалар бўйича харажатли жараёнлар ҳисоби бошқарув ҳисобининг объекти сифатида ажратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, бозор рақобати шароитида ушбу маълумотлар фақат бошқарув ходимлари ва

субъект менежерларининг тўғри қарорлар қабул қилиши, келгуси фаолиятини режалаштиришда энг зарур ахборотлар сифатида хизмат қилиши мумкин. Бу ўз навбатида бошқарув ҳисобининг хусусиятларидан келиб чиқиб, капитал қўйилмалар тўғрисидаги субъектнинг маълумотларини тижорат сири сифатида сақланишини таъминлайди. Тугалланган капитал қўйилмалар ҳисоби молиявий ҳисобнинг объекти сифатида ажратилиб, ушбу ҳисоб маълумотлари ташқи фойдаланувчиларга ахборот сифатида тақдим этилиши мулжалланиши керак.

Корхоналарда амалдаги бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига биноан қурилиш ишларининг ҳисоб-китоби 0810-«Тугалланмаган қурилиш» счётида олиб борилади. Ушбу счёта қуйидаги харажатлар акс эттирилади: қурилиш ишлари бўйича харажатлар, асбоб-ускуналарни монтаж қилиш харажатлари, монтаж талаб қилмайдиган асбоб-ускуналарни сотиб олиш харажатлари, асбоб-ускуналар ва инвентарларга харажатлар, бошқа харажатлар.

Халқ хўжалиги корхоналарида тугалланмаган қурилиш объектларига қуйидагиларни киритиш мумкин: қурилиши давом этаётган объектлар, қурилиши вақтинча тўхтатиб қўйилган ёки умуман тўхтатилган объектлар, ишга туширилган, бироқ ҳозирча қабул қилиш далолатномалари тасдиқланмаган объектлар.

Капитал қўйилмалар моҳиятини чуқурроқ англаш учун уларнинг таркиби ва гуруҳлари бўйича ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

К.Ўразовнинг таклифича, корхоналарнинг капитал қўйилмаларини қуйидаги белгиларга мувофиқ таснифлаш мақсадга мувофиқдир (1.3-расм). (2.26., 168 б.).

Мазкур иқтисодчи олим капитал қўйилмаларни аниқ белгиларига мувофиқ асосли таснифлаган. Аммо, келтирилган расмда асосий подани шакллантириш, кўп йиллик дарахтларни экиш ва парваришlash, номоддий активларни яратишга тегишли капитал қўйилмалар ҳам муайян белгиларига

мувофиқ тасниф берилганида у капитал қўйилмаларнинг турларини кенгрок қамраб олган бўлар эди.

С.Воҳидовнинг фикрича “Ҳисобга олишда капитал қўйилмалар: ишлаб чиқариш структурасининг йўналишлари, технологик структура, мўлжалланиши, халқ хўжалик тармоқлари, ишларни бажариш усули, маблағ билан таъминлаш манбаларига кўра гуруҳланади.

Ишлаб чиқариш структурасининг йуналишлари бўйича капитал қўйилмалар янги қурилиши, кенгайтириш, таъмирлаш, техник қайта жиҳозлаш ва ишлаб турган корхоналар қувватларини сақлашга ажратилади” (2.3., 9 б.).

Биз ҳам С.Воҳидовнинг фикрларига қўшилган ҳолда таъмирлаш харажатлари, агар энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик баробаридан ошган тақдирда, ушбу харажатларни капиталлаштириш ва капитал қўйилма сифатида тан олиниши тарафдоримиз. Чунки ушбу харажатлар активнинг қийматини ошишига ва ушбу харажатлар ҳисобига актив узок вақт давомида иқтисодий наф келтириши мқониятини оширади. Шунинг учун юқоридаги харажатларни капитал қўйилма сифатида тан олиш бухгалтерия ҳисобининг концептуал асосларига тўлиқ мос келади.

Бундан ташқари, С.Воҳидов капитал қўйилмаларни технологик структурасига кўра қуйидаги иш ва харажат турлари қийматидан таркиб топишини асослайди:

- қурилиш ишларининг барча турлари;
 - ускуналар монтажи бўйича ишлар;
 - қурилиш сметаларида назарда тутилган ускуналар харажатлари (монтаж талаб қиладиган ва қилмайдиган);
 - қурилиш сметасига киритиладиган асбоб ва инвентарлар харажатлари;
- бошқа капитал иш ва харажатлар

Маълумки, ускуналарнинг айрим турлари капитал қурилишнинг режа ва ҳисобот кўрсаткичларида қурилиш сметасига киритилади, айримлари эса киритилмайди. Қурилиш сметасига кирадиган ускуналар қуйидагилардан

иборат: ишлаб турган корхоналарни таъмирлаш, кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқариш қувватларини сақлаш, янги корхона ҳамда объектларни қуриш, лойиҳа ва сметаларида назарда тутилган ускуна, машина ва механизмлар, лойиҳа ва сметаларга киритилиши лозим бўлган ускуна, машина ва механизмлардир.

Қурилиш сметасига кирмайдиган ускуналар эса қуйидагилардан иборат:

- мазкур тармоқ учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш тартибида белгиланишига кўра: қурилиш машиналари, инвентарь ва асбоблар, шунингдек қурилиш ва монтаж ташкилотлари транспорт воситалари;

- бино ва иншоотларнинг инвентар деталлари комплеклари: инвентар уйлар, қурилиш ташкилотларининг турли анжомлари, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг трактор, комбайнлари ва бошқа экин экиш, ер ҳайдаш ҳамда ҳосилни йиғиштиришга мўлжалланган машиналари ва бошқа ускуналари.

Юқоридагилардан ташқари ускуналар, монтаж талаб қиладиган ва монтаж талаб қилмайдиган ускуналарга ажратилади.

Монтаж талаб қиладиган ускуналарга фақат айрим қисмлари йиғилгандан кейин ёки асос ва таянчларга ўрнатилгандан сўнг ишга туширилиши мумкин бўлган киритилади.

Монтаж талаб қилмайдиган ускуналарга ишга туширишдан олдин асос ва таянчга ўрнатишни талаб қилмайдиган ускуналар: локомотивлар, тракторлар, вагон, қишлоқ хўжалиги машиналари, автомашиналар ва шу кабилар киради.

Мақсадга кўра ҳисобга олишда капитал қўйилмалар қуйидагича гуруҳланади: ишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар қурилиш, ноишлаб чиқариш мақсадларидаги объектлар.

Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича капитал қўйилмалар саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва бошқа тармоқлардаги капитал қўйилмаларга ажратилади.

Капитал қўйилмалар қурилиш-монтаж ишларини бажариш усулига кўра пудрат ва хўжалик усулидаги капитал қўйилмаларга ажратилади.

Саноат корхоналарида капитал қурилиш пудрат усулида олиб борилганида сарфланадиган капитал харажатларни ҳисобга олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 17-сонли «Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари» номли миллий стандартида белгилаб берилган.

Пудрат усулида қурилиш монтаж ишларини ихтисослашган пудрат қурилиш монтаж ташкилотлари олиб боради, бунда икки томон бош пудратчи ва буюртмачи алоқага киришиб, уларнинг ўзаро муносабатлари пудрат шартномаси билан белгиланади.

Капитал қўйилмалар маблағ билан таъминлашнинг турли манбалар ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Буларга қуйидагилар киради: корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, бюджет маблағлари, банк кредитлари, давлат капитал қўйилмалари лимитидан ташқари амалга ошириладиган капитал қўйилмалар бўйича ҳукумат томонидан шу мақсадларга йўналишга рухсат этилган маблағ билан таъминлашнинг марказлашган манбалари, бошқалар.

Хулоса қилганимизда, капитал қўйилмалар моҳиятини тўлиқ очиб бериш, уларни тегишли белгиларига мувофиқ аниқ таснифлаш корхоналарда капитал қўйилмаларни ҳисобини оқилона юритишга хизмат қилади.

1.3. Капитал қўйилмалар аудитини назарий ва ташкилий масалалари

Республикамызда бозор муносабатларини ривожлантириш қишлоқ хўжалиги корхоналарида капитал қўйилмалар аудитини самарали ўтказишни тақозо этади.

Капитал қўйилмалар бўйича аудиторлик текширувининг ўтказишнинг ҳуқуқий асосини янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳамда аудиторлик фаолиятининг миллий

стандартлари ташкил этади. Хусусан, мазкур қонуннинг 9-моддасига кўра, «аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир». (1.4., 9-модда).

Шунингдек, капитал қўйилмаларга сарфланган харажатларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлашда “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом (ЎзР. ВМ.нинг қарорлари асосидаги ўзгартиришлар билан) ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилади.

Капитал қўйилмалар аудитининг асосий ҳуқуқий ҳужжатларидан бири капитал қурилишни амалга ошираётган корхона билан аудиторлик ташкилоти ўртасида тузилган аудит шартномаси ҳисобланади. Унда текширилаётган корхона ва аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аудит объекти ҳамда аудиторлик текширувининг қиймати, шартноманинг амал қилиш муддати, тарафларнинг манзили кабилар ифодаланган бўлади. Аудиторлик шартномасини тузишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланилади.

Капитал қўйилмалар аудитини ташкил этишнинг услубий асослари қуйидагилардан иборат бўлиши зарур:

- капитал қўйилмаларни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектнинг бошқарув тизими билан танишиш ва унда бухгалтерия ҳисобини ташкил этилишини баҳолаш;

- аудиторлик текширувини режалаштиришни амалга ошириш;

- капитал қўйилмалар бўйича содир бўлган муомалалар ва уларни расмийлаштиришни текшириш тартибини ишлаб чиқиш;

- капитал қўйилмалар муомалаларини бухгалтерия ҳисоботларида акс эттиришнинг қонунийлигини текшириш;

– аудит натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тайёрлаш ҳамда тақдим этиш тартибини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, халқ хўжалик корхоналарида келтирилган капитал қўйилмалар аудитининг услубий асосларини тўғри тартибда ишлаб чиқилмаганлиги мазкур хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ҳаққоний ўтказишга имкон бермайди.

Капитал қўйилмалар аудитининг услубий асосларини ишлаб чиқишда халқаро ва миллий аудиторлик стандартларини ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг фикримизча, капитал қўйилмалар аудитини ташкил қилишда аудиторлик стандартларини таянч ва ёрдамчи стандартларга ажратиш зарур.

Таянч аудиторлик стандартлари текширув жараёни мақсадларига кўпроқ даражада жавоб берувчи аудиторлик тартиб-қоидаларини умумлаштиради. Ушбу стандартларга 3-сонли «Аудитни режалаштириш», 31-сонли «Хўжалик юритувчи субъект фаолияти (бизнеси) билан танишиш», 9-сонли «Жиддийлик ва аудиторлик риски» номли аудиторлик фаолияти миллий стандартларини киритиш мумкин.

Ёрдамчи аудиторлик стандартлари эса текширувнинг муайян вазифаларини бажаришни таъминловчи стандартлар ҳисобланади. Уларга 13-сонли «Тахлилий амаллар», 11-сонли «Маълумотларни компьютарда ишлаш (МКИ) шароитида аудит ўтказиш», «ва бошқалар ёрдамчи стандартлардир.

Капитал қўйилмалар аудитини ўтказишда таянч ва ёрдамчи стандартлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликка асосланган ҳолда қуйидаги аудит алгоритмидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир (1.4-расм). Ушбу расмга мувофиқ, капитал қўйилмалар аудитини дастлабки режалаштириш босқичида капитал қўйилмалар аудити аҳамиятлилигини баҳолашни амалга ошириш, корхона бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими самарадорлиги борасида маълумотларни шакллантириш, натижада, капитал қўйилмалар муомалалари аудити бўйича муҳимлилик ва риск даражасини аниқлаш зарур.

Бозор муносабатлари шароитида капитал қўйилмалар аудитини самарали ўтказиш уни аниқ режалаштиришни талаб қилади.

Дўсмуратов Р.нинг фикрича, "аудитор ўз ишини шундай режалаштириши лозимки, бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботларини, молия-хўжалик муомалаларининг ишончилигини ва қонунийлигини ҳамда улар бухгалтерия ҳисоби счетларида акс эттирилишининг тўғрилигини ўз вақтида ва сифатли аудиторлик текширувидан ўтказилади" (2.4., 101 б.).

Капитал қўйилмалар бўйича аудиторлик текширувини режалаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг 3-сонли "Аудитни режалаштириш" номли миллий стандартига мувофиқ амалга оширилади.


Капитал қўйилмалар аудитини режалаштириш аудиторлик фирмаси ва корхона ўртасида шартнома тузилмасдан олдин бошланади.

Капитал қўйилмаларни аудиторлик текширувини режалаштириш қуйидаги босқичларга бўлинади:

- аудитни дастлабки режалаштириш;
- аудитнинг умумий режасини тайёрлаш;
- аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш.

Капитал қўйилмалар аудитини дастлабки режалаштириш жараёнида умумий иш ҳажми, текшириш муддатлари ва аудитни ўтказиш усуллари белгилаб олинади. Аудиторлик текшируви корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, ҳисоб сиёсати, бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиниши, ички назорат тизимини баҳолашдан бошланади. Дастлабки режалаштириш босқичида қуйидаги тест тизимидан фойдаланишни тавсия этамиз 1.1-жадвал): Мазкур бешта тестнинг йиғиндилари натижалари бўйича аудитор қуйидаги хулосага келиши мумкин:

- 5-7 балл - аудиторлик таваккалчилиги паст даражада;
- 7-10 балл - аудиторлик таваккалчилиги ўрта даражада;
- 10-15 балл - аудиторлик таваккалчилиги юқори даражада.



1.4-расм. Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари (АФМС) асосида саноат корхоналари учун капитал қўйилмалар аудитини ўтказиш алгоритмининг тузилиши

Шунингдек, аудит режасида капитал қўйилмаларни таркиби, уларни шакллантириш манбалари ва корхонада капитал қўйилмалар бўйича ички назорат тизимининг самарадорлиги каби масалалар акс эттирилади. Бу масалаларни ўрганишда корхона ҳисоб сиёсати ва капитал қўйилмаларни шакллантиришга доир ҳужжатлар, қурилиш ташкилотлари билан тузилган пудрат шартномалари, қурилиш ишларининг бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар маълумотларидан фойдаланилади.

1.1-жадвал

Капитал қўйилмаларни амалга оширувчи ташкилот (бўлинма) ни молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича аудиторнинг саволномаси

№	Саволлар	Жавоблар вариантлари	Балл
1	2	3	
1.	Қурилиш бўлинмасининг буюртмачи ва инвесторлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш даражаси қандай?	- ишлар шартнома мажбурият-ларига мувофиқ кўрсатилган муддатларда бажарилмоқда	1
		- ишларни бажариш маълум қийинчиликлар билан боғлиқ	2
		- ишлар шартнома мажбуриятларини бузилиши билан бажарилмоқда	3
2.	Тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларидаги ишларни таъмин-ланганлик даражаси	- 95%дан юқори	1
		- 95-85%	2
		- 85%дан кам	3
3.	Субпудратчи ташкилотлар томо-нидан шартнома мажбуриятларини бажариш даражаси қандай?	- ишлар шартнома мажбурият-ларига мувофиқ кўрсатилган муддатларда бажарилмоқда	1
		- ишларни бажариш маълум қийинчиликлар билан боғлиқ	2
		- айрим сабабларга кўра ишлар бажарилмаслиги мумкин	3
4.	Қурилиш бўлинмаси томонидан ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси қандай?	- 80%дан юқори	1
		- 80-50%	2
		- 50%дан кам	3
5.	Қурилиш-монтаж ишларини бажарилишининг сифатини техник назорат қилиш тизими қанақа?	- назорат юқори даражада	1
		- назорат ўртача даражада	2
		- назорат паст даражада	3

Аудитор аудит режасини тузишдан аввал қуйидаги жиҳатларни чуқур таҳлил қилиши зарур:

-корхона бўлинмаларида капитал қурилиш бўйича аудит ўтказиш заруратини аниқлаш;

-аудит ўтказишда ахборот манбаларини ажратиб олиш;

-аудиторлик шартномасида махсус эътибор талаб қиладиган шартларни аниқлаш;

-капитал қўйилмалар аудитининг муҳим масалаларини аниқлаш;

-капитал қўйилмалар аудитига низомлар, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар таъсирини ўрганиш.

Аудитнинг манбаларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

-тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари;

-қурилиш объектларида иш юритиш журналлари (КҚ-6-шакл);

-бажарилган қурилиш ишларини топшириш ва қабул қилиш далолатномалари (КҚ-2-шакл);

-тугалланмаган қурилиш ишларини инвентаризация қилиш далолатномаси (КҚ-7-шакл);

-тугалланмаган қурилиш ишларининг қолдиғи тўғрисидаги маълумотнома (КҚ-3-шакл);

-танлаб текшириш, назорат ўлчовлари, бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари бўйича сифатсиз бажарилган ишлар юзасидан далолатнома ва нуқсонлар қайдномалари (КҚ-4-шакл);

-бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи регистрлари.

Капитал қўйилмалар аудитининг дастлабки режасига асосланиб аудиторлик шартномаси тузилади. Аудиторлик шартномасининг мақсади ва унда қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда капитал қўйилмалар аудитининг умумий режаси тайёрланади. Унда капитал қурилиш бўлинмасининг номи, аудиторлик текширувига ажратилган муддат, аудиторлик гуруҳининг таркиби, капитал қўйилмаларни текшириш бўйича режалаштирилган ишлар ҳажми кабилар кўрсатилади. Капитал қўйилмалар аудитининг умумий режаси аудитор томонидан имзоланади ва аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланади. Аудитнинг умумий режаси аудитор дастурини тузишга асос бўлиб хизмат қилади. Уни тузишда аудитор капитал

қурилишга доир барча муомалаларни текширмайди, балки аудитнинг умумий режасини тузишга тааллуқли жараёнларгина таҳлил қилинади.

Аудитор дастурида аудитнинг умумий режасига аниқликлар киритилади. Жумладан, капитал қўйилмалар аудити дастурида капитал қўйилмаларни текшириш усуллари, аудиторларнинг ишчи ҳужжатлари келтирилади (1.3.2-жадвал).

1.2-жадвал

Капитал қўйилмалар бўйича аудиторнинг дастури

Текширилаётган корхона: Муборакнефтвазунитар шуъба корхонаси

Аудитни ўтказиш даври: 2007 йил 20-22 май

Аудиторлар сони: 3 киши

Аудиторлик фирмасининг раҳбари: Каримов С

Аудит гуруҳининг раҳбари: Валиев Н.

№	Режалаштирилаётган ишлар турлари	Аудитни ўтказиш даври	Аудит манбалари	Бажарувчи	Изоҳ
1.	Корхонанинг капитал қўйилмаларга доир фаолияти тўғрисида ахборот тўплаш	20 май	Корхонанинг капитал қўйилмаларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотнома, тас-диқланган лойиҳасмета ҳуж-жатлари, қурилиш объектларида иш юритиш журналлари, ишлаб чиқариш ҳисоботи (деҳқончилик ва чорвачилик бўйича), техно-логик карталар	Остонов А.	
2.	Капитал қўйилмаларга оид бухгалтерия ёзувларининг тўғрилиги, журналлар ва аналитик ҳисобнинг мослигини текшириш	20 май	Хўжалик муомалаларини қайд қилиш журнали, айлан-ма қайдномалар, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи регистр-лари, бажарилган ишлар тўғрисида далолатномалар	Файзиев А.	
3.	Капитал қўйилмалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда йўл қўйил-ган хатоликларни аниқлаш	21 май	Бажарилган ишлар тўғрисида далолатномалар, Бош дафтар, айланма қайдномалар	Остонов А.	
5.	Капитал қўйилмалар сифатини ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш	21 май	Тугалланмаган қурилиш иш-ларини инвентаризация қилиш далолатномаси, танлаб текшириш, назорат ўлчовлари, бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари бўйича сифатсиз бажарилган ишлар юзасидан далолатнома ва нуқсонлар қайдномалари	Файзиев А.	
6.	Капитал қўйилмалар бўйича аудиторлик ҳисоботи ва ауди-торлик хулосасини тайёрлаш	22 май	Капитал қўйилмалар аудити натижалари бўйича тўплан-ган барча маълумотлар	Остонов А. Файзиев А. Эргашева З.	

**Қашқадарё вилояти «Консаудит»
аудиторлик фирмаси директори**

Каримов С

Аудиторлик гуруҳи раҳбари

Валиев Н.

Таклиф этилаётган капитал қўйилмалар бўйича аудиторлик дастури ўтказиладиган аудиторлик текширувининг аниқ тартибини белгилайди. Унда капитал қўйилмалар аудитининг элементлари ва аудит манбалари батафсил келтирилган. Бу ҳолат текширув жараёнида ўишлоў хўжалик корхонасининг инвестиция фаолиятига доир хўжалик муомалаларини тўғрилигини асослашга имкон беради.

Шунингдек, мазкур дастур маълумотларига асосланиб, амалга оширилган капитал қўйилмалар сифатини ва иқтисодий самарадорлигини ҳаўўоний баҳолаш мумкин.

Аудитнинг дастурида текширув жараёнида амалга ошириладиган барча аудиторлик амалларининг рўйхати келтирилиши зарур, чунки аудит дастури аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

Капитал қўйилмалар аудитини ўтказиш бўйича аудиторнинг ишчи хужжатларини қуйидаги тартибда акс эттириш мақсадга мувофиқдир (1.5-расм):



1.5-расм. Капитал қўйилмалар аудити бўйича аудиторнинг ишчи ҳужжатлари

Ушбу расм асосида капитал қўйилмалар аудитини ўтказиш жараёнида аудиторлик ишчи ҳужжатларини аниқ расмийлаштириш, текширувни самарали ўтказишга эришиш мумкин.

Аудиторнинг ишчи ҳужжатлари тўғри режалаштирил-ганлигини, аудитор томонидан тўпланган ахборотларнинг ишончлилигини, тайёрланган ауди-торлик хулосасини аудит натижаларига мос келишини таъминлаши лозим.

Аудиторнинг ишчи ҳужжатлари махфий ҳисобланади. Аудитор текширув якунлангач, ишчи ҳужжатларни махфийлигини таъминлаш учун тегишли чораларни кўриши зарур.

Агар текшириш жараёнида капитал қўйилмалар бўйича айрим муома-лаларни чуқурроқ текшириш талаб қилинса, аудит дастурига қўшимча ўзгар-иришлар киритилади.

Капитал қўйилмалар аудити дастури ҳам аудитор томонидан имзоланади ва аудиторлик фирмаси раҳбари томонидан тасдиқланади.

Капитал қўйилмалар бўйича содир бўлган муомалаларни расмийлаш-тиришни текшириш тартибини ишлаб чиқишда аудит ўтказиш усулларини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Мусаев Ҳ.нинг таъкидлашича, "аудит назарияси ва амалиётида қуйидаги усуллар мавжуд: солиштириш усули, гипотеза усули, таҳлил ва синтез усули, тафтиш усули, инвентаризация усули, калькуляция усули, экспертиза усули, бухгалтерия счетлари ва иккиёқлама ёзув усуллари, баланс усули, ҳужжатлаштириш усули" (2.10., 26 б.).

Капитал қўйилмаларни аудиторлик текширувидан ўтказишда ҳужжат-лаштириш, инвентаризация, бухгалтерия ҳисоби счетлари ва иккиёқлама ёзув усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳужжатлаштириш усулида капитал қўйилишда содир бўлган муомала-ларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри ҳисобга олинганлиги дастлабки ҳужжатлар маълумотлари асосида текширилади.

Ашёвий усулда аудитор капитал қурилишда мавжуд активлар тўғрисидаги маълумотларни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослайди.

Бухгалтерия ҳисоби счетлари ва иккиёқлама ёзув усулида эса капитал қурилишга оид муомалалар ва унда фойдаланилган активлар ҳаракати бухгалтерия ҳисоби счетлари ёрдамида текширилади. Бунда аудитор асосан, 1000-«Материаллар ҳисоби счетлари», 0710-«Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар», 0600-«Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби счетлари», 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар ҳисоби счетлари», 5000-«Кассадаги пул маблағлари ҳисоби счетлари» ва 0800-«Капитал қўйилмалар ҳисоби счетлари» смети маълумотларидан фойдаланади. Мазкур усул энг қулай ва ишончли ҳисобланади.

Капитал қўйилмалар аудитининг якуний босқичи аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тайёрлаш ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига мувофиқ, «аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоида-бузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек, аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорига, қатнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат» (1.4., 18-модда).

Капитал қўйилмалар аудити бўйича тузилган аудиторлик ҳисоботида капитал қурилишни ҳисобга олишда аниқланган хатоликлар, камчиликлар, суиистеъмолликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари батафсил келтирилади. Мазкур аудиторлик ҳисоботи маълумотларига асосланиб, аудиторлик хулосаси тайёрланади. Унда капитал қўйилмалар аудити натижалари бўйича аудиторнинг қисқача фикри келтирилади. Аудиторлик

хулосаси камида уч нусхада тузилади ва унинг иккитаси текшириладиган капитал қурилиш ташкилотига тақдим этилади.

Хулоса қилганимизда, капитал қўйилмалар аудитининг услубий асосларини такомиллаштириш халқ хўжалиги корхоналарида капитал қўйилмаларни тўғри сарфланганлигини доимий равишда кузатиб бориш имконини беради.

1-боб бўйича хулосалар

Жаҳон молиявий инқирози шароитида республикада капитал қўйилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари, аҳамияти, муҳим ўрни улар ҳисобини янги талаблар асосида ташкил этиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Саноат корхоналари амалиётида капитал қўйилмаларнинг заруратини асослаш ва иқтисодий мазмунини ёритишда уларни инвестиция фаолияти билан боғлиқ ҳамда фарқли жиҳатларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон молиявий инқирози шароитида инвестицияларнинг аҳамияти тўғрисида юртбошимиз ҳам ўз маърузаларида алоҳида эътибор қаратган ҳолда “...биз ҳозирданок тараққиётимизнинг инқироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак” лигини таъкидлаганлар.

Капиталлашувига кўра инвестициялар молиявий ва капитал инвестицияларга бўлинади.

Молиявий инвестициялар эса келгусида инвесторга қайтариладиган, тавсифига кўра капиталлашмайдиган, фақатгина қўшимча даромад олиш мақсадида бошқа корхоналар фаолиятига маълум муддатларга киритилган маблағлардир.

Капитал инвестициялар ёки капитал қўйилмалар бевосита корхоналарнинг моддий-техника базасини ташкил этувчи асосий воситалар ва номоддий активлар қийматига киритиладиган яъни келгусида корхоналарнинг асосий капиталига айланадиган инвестициялар ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти

шароитида саноат корхоналари фаолиятини истиқ-болли ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири уларнинг моддий техника базасини ривожлантиришдир. Бу мақсадда киритилган инвестицияларнинг алоҳида хусусияти шундаки, улар капиталлашади ва капитал инвестициялар деб аталади.

Олиб борилган илмий изланиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, яқин беш йилликда аксарият хорижий иқтисодчи олимлар томонидан капитал қўйилмалар ҳисобини такомиллаштириш борасида амалга оширилган тадқиқот ишларида капитал қўйилмалар ҳисобининг айрим жиҳатларигина муайян тармоқ мисолида тадқиқ этилган.

Аммо, мазкур тадқиқот ишида саноат корхоналарида капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш борасидаги муаммолар ўрганилмаган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳозирги кунда капитал қўйилмаларга таъриф беришда иқтисодчи олимлар ўртасида турлича қарашлар мавжуд.

Бу таъриф капитал қўйилмалар моҳиятини тўлиқ ифодаламайди. Чунки, капитал харажатлар фақатгина асосий воситаларга нисбатан эмас, балки номоддий активларга нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Капитал қўйилмалар ҳисобини бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш фақатгина ҳисоб маълумотлари доирасининг мазмунини, мақсадга мувофиқлигини, муддатини, бухгалтерия ҳисобини юритиш капитал қўйилмаларни бошқарув ҳисобининг объектларини акс эттириш усулларини кенгайтириш асосида бўлмаслиги керак, чунки ушбу ҳолат ҳисоб ишларининг ҳажми ортишига олиб келиши мумкин. Капитал қўйилмалар бухгалтерия ҳисоби ишлаб чиқаришнинг бошқарув тизимида фақатгина бошқарув объектлари ҳақида маълумот бериш манбаи бўлиб қолмасдан, балки унинг ҳолати устидан тезкор равишда назорат қилиш воситаси ҳам ҳисобланади.

II БОБ. КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ ҲАМДА АУДИТИНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ.

2.1. Капитал қўйилмалар ҳисоби ва ҳисоботининг ҳозирги ҳолати ва муаммолари .

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, саноат тизимидаги хўжалик юритувчи субъектларда капитал қўйилмалар ҳисобини такомиллаштириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Шу муносабат билан республикамызда капитал қўйилмаларни ҳисобга олиб боровчи счетларни хорижий давлатлардаги амалиёт билан таққослаш мақсадга мувофиқдир: 2.1-жадвал).

2.1.-жадвал

Капитал қўйилмалар бўйича қўлланилаётган счетларнинг қиёсий тавсифи

Счетларнинг рақами	Счетларнинг номи	Счетларнинг рақами	Счетларнинг номи
Ўзбекистонда:*		Россияда:**	
0810	Тугалланмаган қурилиш	08-1	Ер майдонларини сотиб олиш
0820	Асосий воситаларни сотиб олиш	08-2	Табиатни муҳофаза қилиш объектларини сотиб олиш
0830	Номоддий активларни сотиб олиш	08-3	Асосий воситалар объектларини қуриш
0840	Асосий подани шакллантириш	08-4	Асосий воситаларнинг алоҳида объектларини сотиб олиш
0850	Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар	08-5	Номоддий активларни сотиб олиш
0860	Узоқ муддатли ижара шартно-маси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар	08-6	Ёш молларни асосий подага ўтказиш
0890	Бошқа капитал қўйилмалар	08-7	Маҳсулдор ҳайвонларни сотиб олиш ва бошқалар

* - Ўзбекистон Республикаси 21-сонли БҲМС.-Т.: ЎзР. БАМА. 2007 й.

** - План счетов бухгалтерского учета и Инструкция по его применению.-М.: Приказ Мин.фина РФ. № 94н. от 31 октября 2000 г.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, Россияда қўлланилаётган счетлар режасидаги 08-3 счётада хўжалик усулидаги тугалланмаган капитал қўйилмалар харажатлари ҳисобининг номланиши унинг мазмунига мос келмайди. Бунинг сабаби, асосий воситаларга капитал қўйилмалар 08-3-“Асосий

воситалар объектларини куриш” деб номланган счётда ҳисобга олиб борилади. Ваҳоланки, бу курилиш тугалланган бўлганида, унинг қолдиғи бўлмай, 01-“Асосий воситалар” счетида ҳисобга олинган бўлар эди. Шу сабабли, Ўзбекистонда амал қилаётган 0810-“Тугалланмаган курилиш” счетининг номланиши ва юритилиши ўз мазмунига мос келади. Бундан ташқари, Ўзбекистондаги мавжуд 0850-“Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар” счети билан Россиядаги 08-1 “Ер майдонларини сотиб олиш” счети ҳам биридан фарқ қилади, чунки республикамизда ер олди-сотди объекти ҳисобланмаганлиги сабабли, унга алоҳида счет очиш зарур ҳисобланмайди.

Капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этишнинг амалдаги тизимига мувофиқ, асосий фаолияти курилиш ҳисобланган корхоналарда пудрат шартномаси бўйича бажариладиган барча курилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари ҳисоби 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счетида юритилади. Капитал курилиш жараёнида курилиш механизмларини таъмирлашга сарфланадиган устама харажатларни ҳисобга олиш тартиби курилиш ишлари ҳисобига қўйиладиган умумий талаблардан фарқ қилади. Бунда капитал курилишни амалга оширувчи субъектлар устама харажатлар таркибига қуйидагиларни киритишлари зарур:

- курилиш майдонларини ободонлаштириш ва таъмирлаш(агар таъмирлаш харажатлари энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан ошса ва ушбу харажатлар мазкур объектнинг иқтисодий наф келтириш имкониятини оширса) харажатлари;

- курилиш объектларини топширишга тайёрлаш харажатлари.

Капитал курилишда ушбу харажатларни 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” ва 9400-“Давр харажатлари ҳисоби счетлари” счетида қолдириш зарур, лекин улар 18-сонли “Капитал қўйилмалар бўйича харажатлар ҳисоби” кайдномасида алоҳида аналитик счетларга ажратилган ҳолда акс эттирилиши лозим. Асосий фаолияти курилиш ҳисобланмаган субъектлар учун ушбу

харажатларни 0800-“Капитал қўйилмалар ҳисоби счетлари” сечетининг дебетиди ҳисобга олишни таклиф этамиз (2.1.2.-жадвал).

2.1.2.-жадвал

Саноат корхоналарида капитал қўйилмалар аналитик ҳисобининг таққослама жадвали

Мавжуд вариант	Таклиф этилаётган вариант
0810-“Тугалланмаган қурилиш” сечети	0810-“Тугалланмаган қурилиш” сечети
0820-“Асосий воситаларни сотиб олиш”	0820-“Асосий воситаларни сотиб олиш”
0830-“Номоддий активларни сотиб олиш”	0830-“Номоддий активларни сотиб олиш” 0831*-Номоддий активларни сотиб олиш бўйича харажатлар. 0832*- Номоддий активларни яратиш бўйича харажатлар. 0833*-Текинга олинган ва муассислар томонидан корхонанинг устав капиталига киритилган номоддий активлар учун сарфланган харажатлар. 0834*-Номоддий активларларни сотиб олиш ва яратиш бўйича бошқа харажатлар. 0830-«Номоддий активларни сотиб олиш» сечети бўйича жами.
0840-“Асосий подани шакллантириш”	0840-“Асосий подани шакллантириш”
0850-“Ерни ободонлаштириш харажатлари” сечети	0850-“Ерни ободонлаштириш харажатлари”. 0851*-.Хўжалик усулида ободонлаштириш ишлари. 0852*-.Пудрат усулида ободонлаштириш ишлари. 0853*-.Ерни ободонлаштириш бўйича бошқа харажатлар. 0850-“Ерни ободонлаштириш хара-жатлари” сечети бўйича жами
0860-“Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга харажатлар” сечети	0860-“Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга харажатлар” 0861*- Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича сотувчиларнинг сечетлари қиймати. 0862*- Субъектнинг узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш, ўзлаш-тириш бўйича харажатлари. 0863*- Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича бошқа харажатлар. 0860-“Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга харажатлар” сечети бўйича жами.
0800-“Капитал қўйилмалар ҳисоби сечетлари” сечети бўйича жами	0800-“Капитал қўйилмалар ҳисоби сечетлари” сечети бўйича жами

* - мазкур счетлар муаллиф томонидан таклиф этилган.

2.1.2.- жадвалдан кўриниб турибдики, капитал қўйилмалар ҳисобининг амалдаги тизимида капитал таъмирлаш бўйича ишлар харажатлар нуқтаи-назари-дан, таклиф этилаётган ҳисоб тизимида эса инвестициялар асосида олиб борилади.

Келтирилган жадвалда таклиф этилган қаторлар саноат тизимидаги капитал қурилишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларда капитал қўйилмаларнинг аналитик ҳисобини ташкил этиш, алоҳида харажатларни тўғри ҳисобга олиш, ушбу харажатларни оптимал пасайтириш имконини яратади.

Шунингдек, таклиф этилган ёндашув капитал қўйилмалар ҳисобини юритиш, уларни молиявий (бухгалтерия) ҳисоботда тўғри акс эттириш учун бухгалтерга ва ҳисоб жараёнининг қонунийлигини текширишда аудитор учун муҳимдир.

Жаҳон молиявий инқирози тобора чуқурлашиб боиш жараёнида саноат корхоналари учун капитал қўйилмаларнинг аҳамияти ортиб боради. Капитал қўйилмалар корхона асосий воситаларни кенгайтириш ва сифатини яхшилаш борасидаги харажатлар, асосий воситаларни ва номоддий активларни сотиб олиш, кўп кўп йиллик дарахтларни экиш ва парваришлаш, асосий подани шакллантиришга сарфланган капитал харажатлар узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш харажатлари, узоқ муддатли активларни яратиш харажатларини ифодалайди.

Мамлакатимизда капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилишда молиявий ҳисобнинг 16-сонли “Асосий воситалар ҳисоби”, 40-сонли “Мулкка қўйилган инвестиция” ва 38-сонли “Капитал қўйилмалар” номли халқаро стандартлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 5-сонли “Асосий воситалар”, 6-сонли “Ижара ҳисоби”, 7-сонли “Номоддий активлар ҳисоби” ва 17-сонли “Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари” каби миллий стандартлари талабларини

ўрганиб чиқиш зарур. Хусусан, 16-сонли “Асосий воситалар ҳисоби” номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига мувофиқ, “ер асосий восита ҳисобланиб, унинг қийматини сотиб олиш баҳоси, ер майдонидаги қурилишларни бузиб ташлаш бўйича соф харажатлар, ҳуқуқшуносларга тўланадиган ҳақ ҳамда кўчмас мулк бўйича тижорат агенти харажатлари кабилар ташкил этади” (1.5., 184-190 с.с.). Мазкур стандарт асосан қуйидагиларни назарда тутди:

- асосий воситаларни баҳолаш ва қайта баҳолаш;
- асосий воситаларни актив сифатида тан олиш;
- асосий воситаларни фойдали хизмат даврида қайта кўриб чиқиш;
- асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилиши ва улар тўғрисидаги бошқа ахборотларни молиявий ҳисоботда ёритиш.

Юқорида қайд қилинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида асосан асосий воситалар ҳисобининг талабларини ифодалайди. Воҳаланки, капитал қўйилмалар ҳисобидаги муаммолар ҳам ҳисобнинг халқаро ва миллий стандартлари доирасида уларни баҳолаш ва қайта баҳолашни, актив сифатида тан олишни, ва ҳисобдан чиқарилиши каби бошқа ахборотларни молиявий ҳисоботда ёритиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандарти “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”да ҳам ер асосий воситалар таркибига киритилган. Ушбу счетлар режасида 0100-“Асосий воситалар ҳисоби счетлари” счётининг 0110-аналитик счёти “Ер” счёти деб номланган. Бу счётда амал қилинаётган қонун ҳужжатларига мувофиқ субъект мулки қилиб берилган ер майдонлари ҳисобга олиб борилади.

Кўп ҳолларда ер майдонларини сотиб олаётганда унинг қийматидан ташқари қуйидаги қўшимча харажатлар юзага келади: кўчмас мулк

даллолларига тўланадиган ҳақ, адвокатларнинг хизмат ҳақи, солиқ тўлови, ер ости ва ер усти иншоотларининг қиймати ерлар (зовурлар)ни тозалаш ва текислаш харажатлари. Ушбу қўшимча харажатлар ернинг қийматига қўшилади ва 0110-“Ер” счетининг дебетида ҳисобга олинади. Шунингдек, бу счетга ерни фойдаланишга тайёрлаш учун сув олиб келиш, оқова сувларни чиқариш иншоотлари, дренажлар, геодезия ишлари ва бошқа бевосита харажатлари ҳам киритилади, чунки мазкур харажатлар ердан келгусида фойдаланиш ва унинг унумдорлигини ошириш учун зарур ҳисобланади.

0111-“Ерни ободонлаштириш” счётида ер майдонлари тузилишини ўзгартириш, йўللарни қуриш, автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари учун сақлаш жойлари, деворлар ва бошқа иншоотларни қуриш харажатлари ҳисобга олинади.

Ер майдонлари, ўрмонзор ва сув ҳавзаларига, кўп йиллик дарахтзорларга сарфланган капитал қўйилмалар барча ободонлаштириш ишлари тугатилишидан қатъий назар фойдаланишга қабул қилинган майдонларга тегишли харажатлар сифатида асосий воситалар таркибига қабул қилинади.

Республикамизда ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ернинг асосий воситалар таркибига киритилиши унинг муайян қийматга эга эканлигидан далолат беради. Аммо, иқтисодиёт назарияси нуқтаи-назаридан олиб қараганда ер қийматга эга бўлмайдиган, эскирмайдиган, аксинча унумдорлиги ортиб борадиган меҳнат воситасидир.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандартига мувофиқ, “Ер” счёти бўйича эскириш ҳисобланмайди. Агар ерга эскириш ҳисобланмаса, унинг қийматини ҳосил қилувчи харажатлар қайси манба ҳисобидан қопланиши, қайси счетларда акс эттирилиши, 0211-“Ободонлаштирилган ернинг эскириши” счётида амортизация қайси усулда ҳисобланишини аниқлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Масалан, асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда бевосита йиллар йиғиндиси (кумулятив) усулини қўллаб бўлмайди, чунки бу усулга кўра

асосий воситаларнинг фойдаланиш муддати кўрсатилиши керак. Маълумки, ердан фойдаланиш муддати чексиз. Шу сабабли, ободонлаштирилган ерга амортизация ҳисоблашда ерга бир марта сарфланган харажатлар суммаси қандай йиғилиши, иккинчи марта сарфланган харажатлар биринчисидан қай тартибда ажратилиши муаммосини ҳал қилиш учун “Ер” смети бўйича аналитик ҳисобни тўғри юритиш керак.

Молиявий ҳисоботнинг 40-сонли “Мулкка қўйилган инвестициялар (капитал қўйилмалар)” номли халқаро стандартига мувофиқ, ер бўйича сарфланган харажатлар икки ҳолатда ҳисобга олинади:

1. Ернинг қиймати оширилиб, ундан наф олиш учун фойдаланиш кўзда тутилганда.

2. Корхона ерни сотиб олган, аммо ҳали ундан қайси мақсадда фойдаланиш тўғрисида аниқ қарорга келинмаган ҳолатда (2.50.,190 б.).

Таклифимизча, ушбу халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандарти - янги счетлар режасидаги 0800-«Капитал қўйилмалар ҳисоби счетлари» смети таркибида ҳам ер майдонларига сарфланган харажатларни ҳисобга олиш учун счетлар очиш ва улар ҳисобини тўғри йўлга қўйиш зарур. 0111-“Ерни ободонлаштириш” смети 0111- “Ободонлаштирилган ер” деб аталса, мантиқий ва услубий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки ерни ободонлаштириш харажатларни сарфланиш жараёнини англатса, “ободонлаштирилган ер” жумласи тугалланган жараённи билдириб, аниқ қиймат кўринишига келган асосий восита ҳисобланади. “Ерни ободонлаштириш” жарёни эса 0800-“Капитал қўйилмалар” счётида ўз ўрнига эга.

Хулоса қилганимизда, юқорида келтирилган муаммоларнинг ечимини топиш республикаимиз корхоналарида капитал қўйилмалар ҳисобининг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш ва такомиллаштиришга имкон беради.

2.2. Капитал қўйилмаларга сарфланган харажатларни ҳисобга олиш ва таннарх аниқлашни мукамаллаштириш

Жаҳон молиявий инқозини тобора чуқурлашиб бориши жараёнида саноат корхоналари фаолиятида капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш ва бажарилган ишлар таннархини тўғри ҳисоблаш долзарб муаммолардандир.

Капитал қўйилмаларни амалга оширишда сарфланадиган харажатлар ҳисобини ташкил этиш “Бухгалтерия ҳисоби” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом (ЎЗР.ВМ.нинг қарорларини асосидаги ўзгартиришлар билан) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан тартибга солинади.

Капитал қўйилмалар бўйича бажарилган ишлар таннархини ҳисоблаш тегишли харажатлар таркибини аниқлаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб таснифлашни талаб қилади (2.2-жадвал).

Жадвалдан хулоса қилганимизда, 19-ҚДҚОХЖда харажатлар тўғри ва аниқ таснифланган. Бу ҳолат капитал қурилиш ишларини бажаришда самарали бошқарув қарорлари қабул қилишга имкон беради.

“Муборакнефтваз” Унитар шуъба корхонасида эса харажат турларининг тўлиқ таснифланмаганлиги натижасида бошқарув қарорлари қабул қилиш ва режалаштиришда оператив ахборотларнинг етишмаслиги маълум бўлган.

Қурилиш пудрат шартномасига мувофиқ ҳисоб объекти бўлиб битта ёки бир неча қурилиш лойиҳасига киритилган алоҳида ишлар бўлиши мумкин.

2.2-жадвал

Корхоналарга хизмат кўрсатувчи қурилиш ташкилотлари харажатларнинг таснифланиши

Капитал қурилиш ташкилотининг номи	Харажат турларини таснифлаш белгилари	Мақсади ва аҳамияти
19-ҚДҚОХЖ (Қашқадарё деҳқон қурилиши очик ҳиссадорлик жамияти)	Календарь даври бўйича: - жорий - бир марталик харажатлар;	Бажариладиган ишларнинг алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жорий ва бир марталик харажатларни ҳисобини юритиш
	Харажатларни таннархга ўтказиш усулига кўра: - бевосита (тўғри) - билвосита (эгри) харажатлар.	Қурилиш-монтаж ишлари таннархи ва молиявий натижаларни аниқлаш.
	Бажариладиган ишларнинг ўзгаришига қараб: - ўзгарувчан; - доимий.	Харажатларни мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатиш
	Таннархни режалаштирилишига қараб: режалаштириладиган ва режалаштирилмайдиган.	Қурилиш ишлари бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда режалаштириш.
«Муборакнефт газ» Унитар шуъба корхонаси	Харажатларни таннархга ўтказиш усулига кўра: - бевосита (тўғри) - билвосита (эгри) харажатлар.	Қурилиш-монтаж ишлари таннархи ва молиявий натижаларини аниқлаш.
	Таннархни режалаштирилишига қараб: режалаштириладиган ва режалаштирилмайдиган.	Қурилиш ишлари бўйича бошқарув қарорлари қабул қилиш ва режалаштириш.

Ушбу жадвалга асосланиб, капитал қурилишда харажатларни қуйидаги тартибда таснифлаш мақсадга мувофиқдир:

1. Календарь даври бўйича: жорий ва бир марталик харажатлар;
2. Бажарилган ишлар таннархига киритиш усулига кўра: бевосита ва билвосита харажатлар;
3. Бажариладиган ишлар ҳажмининг ўзгаришига қараб: ўзгарувчан ва доимий харажатлар.

Капитал қурилишда бажарилган ишлар харажатлари календарь йили бўйича уларни юзага келиш вақтига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажарилган ишлар таннархига киритилади.

Қурилиш ташкилотларида бажариладиган ишларнинг алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жорий харажатлар ўз ичига доимий харажатларни ва бир марталик ёки даврий харажатларни олади.

Бевосита (тўғри) харажатлар қурилиш ишлари таннархига бевосита ўтказиладиган харажатлар ҳисобланади. Уларга қурилишда фойдаланиладиган хомашё ва материаллар, қурилишда банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи харажатлари ва ҳ.к. (1, 2-иловалар).

Билвосита (эгри) харажатларга бир неча хил турдаги ишларни бажариш билан боғлиқ (энергия, сув, буғ ва ҳ.к.лар) харажатлар киритилади. Шу сабабли, бу харажатлар қурилиш объектлари ўртасида аниқ тақсимот базаларига мувофиқ тақсимланади.

Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва уни бошқариш харажатларини бажарилган ишлар таннархига киритиш орқали таннарх аниқлашнинг икки асосий усули мавжуд:

- ишлаб чиқариш билвосита харажатларини умумкорхона базаси асосида тақсимлаш;

- ишлаб чиқариш билвосита харажатларини корхона бўлинмалари даражасида тақсимлаш.

Умумкорхона базаси асосида ишлаб чиқариш билвосита харажатларини тақсимлашнинг бажарилган ишлар турлари бўйича таннарх ҳисоблаш усули шундан иборатки, корхонанинг ишлаб чиқариш билвосита харажатлари 2510-«Умумишлаб чиқариш харажатлари» счегининг дебег томонида йиғилиб борилади ва ҳисобот даври охирида улар ягона тақсимот базаси асосида бажарилган ишлар турлари бўйича тақсимланади (масалан, бевосита қурилишда банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи, қурилиш ходимларининг киши-соатлари ўлчовидаги иш вақти, машина ва ускуналарнинг иш соатлари ва ҳ.к.).

Капитал қурилишда ишлаб чиқариш билвосита харажатларини умумкорхона базаси асосида тақсимлаш усули анча маъқул ва қулай усулдир. Чунки, бу усул оддий ва кам меҳнатталаб бўлиб, уни қурилишда қўллаш бир қанча афзалликларга эга.

Тугалланмаган қурилиш билвосита харажатларини тақсимлашда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

Дебет 0810-“Тугалланмаган қурилиш” счёти

Кредит 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” счёти.

Шунингдек, ерни ободонлаштириш, узоқ муддатли ижара шартномаси асосида олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар бўйича билвосита харажатларни ҳисобга олишда ҳам юқоридаги кўрсаткичлардан фойдаланиш қулай ҳисобланади.

Капитал қўйилмалар бўйича билвосита харажатларни ҳисобга олиш тартибини қуйидаги жадвалда ифодалаш мумкин (2.2.-жадвал):

Келтирилган жадвалга асосланиб, саноат корхоналарида капитал қўйилмаларга сарфланган билвосита харажатларни тўғри ҳисобга олиш мумкин.

Капитал қурилиш харажатларини қурилиш объектлари таннархига киритишда харажат объектлари ва таннарх ҳисоблаш объектларини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Капитал қурилишда харажатлар объектларини аниқлашда маълум давр мобайнида харажатларни йиғиб-ҳисоблаш усуллари, капитал қўйилмалар ҳисобининг элементлари, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш усулларида кенг фойдаланилади.

Қурилиш ташкилотларида маълум давр мобайнида харажатларни йиғиб ҳисоблаш усулидан фойдаланилади. Бу усул молиявий натижаларни аниқ ҳисоблашга имкон беради.

Капитал қурилишда технологик жараёнларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таннарх объекти сифатида барча бажарилган ишлар ёки уларнинг маълум босқичи олинади.

Жумладан, тадқиқот объекти ҳисобланган 19-ҚДҚОХЖ ва «Муборакнефтьгаз» Унитар шубба корхонасида харажат объекти сифатида бажариладиган ишларнинг маълум бир босқичлари олинади, чунки, қурилиш ишлари кўпинча давомий хусусиятга эга бўлади.

2.3-жадвал

«Капитал қўйилмаларни амалга оширишда юзага келадиган билвосита харажатларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш

№	Муомалалар мазмуни	Счетлар корреспонденцияси	
		Дебет	Кредит
1	2	3	4
1.	Умумишлаб чиқариш харажатларининг тугалланмаган қурилиш таркибига киритилиши (билвосита ўзгарувчан харажатларни ҳисобдан чиқарилиши): - қурилишга ихтисослашмаган хўжаликларда; - қурилиш ташкилотларида.	0810 2010	2510 2510
2.	Умумишлаб чиқариш харажатларининг ерни ободонлаштиришга сарфланган капитал қўйилмалар таркибига ўтказилиши	0850	2510
3.	Умумишлаб чиқариш харажатларининг узоқ муддатли ижара шартномаси асосида молиявий лизингга олинган асосий воситаларга қилинган капитал қўйилмалар таркибига ўтказилиши	0860	2510

Капитал қурилиш харажатлари қурилишга ихтисослашган хўжаликларда 2000-«Асосий ишлаб чиқариш ҳисоби счетлари» сче­тида, асосий фаолияти қурилишга ихтисослашмаган соҳаларда қурилиш харажатлари агар ўзининг ёрдамчи ишлаб чиқариши кучи билан хўжалик усулида бажарилганда 2300-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳисоби счетлари» сче­тининг тегишли счетларида, пудрат усулида пудратчилар билан шартнома асосида қури­лаётган бинолар, иншоотлар ва бошқа қурилиш-таъмирлаш ишлари буюртмачи ташкилотларда 0810-“Тугалланмаган қурилиш” сче­тида ҳисобга олиб борилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарида капитал қурилиш ишлари таннархини ташкил этувчи харажатларни иқтисодий мазмунига кўра таснифлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу харажатларни таснифлашда “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом (ЎзР. ВМ.нинг қарорлари асосидаги ўзгартиришлар билан)га асосланилади.

А. Каримовнинг фикрича, “капитал маблағлар ҳажмига қуйидаги соҳаларга йўналтирилган харажатлар киради:

–қурилиш-монтаж, лойиҳа-қидирув, геология разведка, бурғулаш ва бошқа ишларга қилинган харажатлар;

–ишлаб турган корхоналарни тиклаш, техник қайта жиҳозлаш ва техника воситаларининг қувватини кенгайтиришга қилинган харажатлар;

–машина ва ускуналар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари, транспорт воситалари ва асосий воситаларнинг бошқа объектларини сотиб олишга кетган харажатлар;

–корхона, ташкилот ва муассасалар учун янги объектлар қуришга кетган харажатлар;

–бошқа шу турдаги харажатлар» (2.6., 222-223 б.б.).

Капитал қурилишга сарфланадиган бевосита харажатларни бажарилган ишлар таннархига киритиладиган моддий, меҳнатга ҳақ тўлаш, қурилиш машина ва механизмларини сақлаш каби харажатларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Капитал қурилишда бажарилган ишларга тегишли моддий харажатларга қуйидагилар киради:

–қурилиш ишларининг асосини ташкил этадиган ишларни бажаришда зарурий қисм ҳисобланган, четдан сотиб олинадиган материаллар, қурилиш ва конструкция буюмлари, ёқилғи, энергия, сув, қурилиш машина ва меҳа-

низмлари учун эҳтиёт қисмлар, ишлаб чиқариш хусусиятидаги чет ташкилотларнинг қурилиш ишлари, машина ва механизмларни ишга тушириш, маъмурий ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжлари бўйича кўрсатган иш ва хизматлари харажатлари;

–қурилишда нормал технология жараёнини таъминлаш ва бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуна, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш), қурилишда фойдаланиладиган харид қилинадиган материаллар, шунингдек, асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инструментлар, мосламалар, инвентар ва асосий воситаларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг эскириши;

–сотиб олинадиган, келгусида корхонада монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар қиймати;

–ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, корхонанинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган иш ва хизматлар;

–технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинadиган барча турлари.

Капитал қурилишда ишлар бажариш билан боғлиқ бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига қуйидаги моддалар киритилади:

–қурилиш ташкилотларида қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажарилган иш учун иш ҳақи, шу жумладан рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

–иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам

(ишламайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкалари, окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

–қурилишда реконструкция қилиш, капитал таъмирлашда бевосита банд бўлган ходимларга ишларнинг кўчма ва қатнов хусусияти учун устамалар;

–ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш: амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллار, навбатдаги (ҳар йилги) фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллار учун компенсациялар, шунингдек, табиий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш;

–мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда ҳақ тўлаш.

Капитал қурилишда ижтимоий суғуртага ажратмаларга қуйидагилар киради:

–қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар;

–нодавлат пенсия жамғармаларига, ихтиёрий табиий суғуртага ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар.

Капитал қурилишда ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа харажатларга қуйидагилар киритилади:

–қурилиш жараёнини хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия, бошқа меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари билан таъминлаш харажатлари;

–қурилишда фойдаланилаётган асосий воситаларни иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ва мукамал тузатиш харажатлари);

–ёнғиндан сақлаш ва қўриқлашни ҳамда қурилиш ташкилотининг техникавий фойдаланиш қоидаларини таъминлаш харажатлари;

–капитал қурилиш жараёнига тегишли бўлган асосий воситаларнинг жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар;

–ишлар бажариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситалари, алоқа узеллари, сигнализация ва бошқа техник воситаларни сақлаш харажатлари;

–бевосита капитал қурилишда банд бўлган ходимлар ва фойдаланилаётган активларни мажбурий суғурта қилиш харажатлари;

–капитал қурилишда брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар;

–қурилиш жараёнидаги жароҳатлари туфайли меҳнат қобилиятини йўқотган ходимларга тўланадиган нафақалар ва бошқалар.

Қурилиш машиналари ва механизмларини сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш харажатларига қуйидагилар киритилади:

–бевосита қурилиш машина ва механизмларини бошқариш билан банд бўлган ходимлар (механик, машинист, моторист ва бошқалар)нинг меҳнат ҳақи харажатлари;

–қурилиш машина ва механизмларини ишга туширишга сарфланадиган моддий ресурслар харажатлари;

–капитал қурилишда банд бўлган асосий воситаларни амортизация харажатлари;

–ижарага олинган қурилиш машина ва механизмлари учун ижара тўловлари (лизинг тўловидан ташқари) шартномада кўрсатилган миқдорда;

–қурилиш машина ва механизмларига техник хизмат кўрсатиш харажатлари;

–қурилиш машина ва механизмларини таъмирлаш харажатлари;

–қурилиш ходимлари ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий суғурта қилиш харажатлари;

–умумий фойдаланиладиган йўловчилар транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда қурилиш ходимларини иш жойига олиб бориш ва олиб келиш харажатлари.

“Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом (ЎзР. ВМ.нинг қарорлари асосидаги ўзгартиришлар билан)да “Давр харажатлари”га қуйидагича тавсиф берилган:

“Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади” (1.8.).

Капитал қурилишда давр харажатларига қуйидагиларни киритиш мумкин: қурилиш рекламаси харажатлари, капитал қурилишда тендер савдосини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар, капитал қурилишда мол-мулкни мажбурий суғурта қилиш харажатлари.

Капитал қурилишда маъмурий харажатларга қуйидагилар киради: бошқарув ходимларига тегишли бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, бошқарув ходимларига тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар, қурилиш ташкилоти ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш харажатлари.

Капитал қурилишда бошқа операцион харажатларга қуйидагилар киради: кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар, лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида чала ишларни бартараф этиш харажатларини қоплаш, шунингдек, объект ихтиёридаги омборгача транспортда ташиш вақтидаги шикастланишлар ва бузилишлар, коррозияга қарши химоя нуқсонлари каби харажатлар, маслаҳат, ахборот ва аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш, ўзининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларни сақлашдан кўрилган зарарлар; ходимларнинг (овқатланиш, йўл кираси, тўгарак ва бошқа тадбирларда қатнашиш учун тўловлар) харажатларини қоплаш, банк хизмати учун тўлов, экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармалари, маданият, халқ таълими ва бошқа ташкилотларга бадаллар, бюджетга мажбурий тўловлар, йиғимлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар, зарарлар, жарималар, пенялар ва барча моддий

бойликларнинг йўқотилишидан кўрилган зарарлар, айбдори аниқланмаган ўғирликлар ёки айбдор шахсдан ундириб бўлмайдиган зарарлар.

Капитал қурилишда харажатларини ҳисобга олинишини қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали ифодалаш мақсадга мувофиқдир (2.4-жадвал).

Мазкур жадвалда берилган капитал қурилишда бажариладиган ишлар бўйича харажатларни бухгалтерия ёзувларида акс эттириш тартиби қурилиш ишлари таннархини тўғри аниқлашга хизмат қилади.

Қурилиш ташкилотларида тасдиқланган моддалар бўйича сарфланган харажатлар бажарилган ишлар таннархини ташкил этади.

2.4-жадвал

Капитал қурилишда бажариладиган ишлар бўйича харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш

№	Муомалалар мазмуни	Счетлар корреспонденцияси					
		Дебет			Кредит		
		Қурилиш ташкилотларида	Фаолияти қурилиш бўлмаган корхоналарда		Қурилиш ташкилотларида	Фаолияти қурилиш бўлмаган корхоналарда	
			Хўжалик усулида	Пудрат усулида		Хўжалик усулида	Пудрат усулида
1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Капитал қурилишда фойдаланиладиган асосий воситаларга эскириш ҳисобланиши	2010	2310	0810	0211-0299	0211-0299	0211-0299
2.	Капитал қурилишга тегишли номоддий активларга эскириш ҳисобланиши	2010	2310	0810	0510-0590	0510-0590	0510-0590
3.	Капитал қурилишга сарфланган материал харажатларнинг ҳисобдан чиқарилиши	2010	2310	0810	1010-1090	1010-1090	1010-1090
4.	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларни қурилишга берилиши	2010	2310	0810	2110	2110	2110

2.4-жадвални давоми

1	2	3	4	5	6	7	8
5.	Умумий ишлаб чиқариш харажатларини қурилиш ишлари таннархига олиб борилиши	2010	2310	0810	2510	2510	2510
6.	Яроқсиз маҳсулотлар суммасини қурилиш ишлари таннархига олиб борилиши	2010	2310	0810	2610	2610	2610
7.	Тайёр маҳсулотларнинг қурилиш эҳтиёжларига сарфланиши	2010	2310	0810	2810	2810	2810
8.	Қурилиш ишлари таннархига киритилган нақд пуллар билан тўланган харажатлар	2010	2310	0810	5010	5010	5010
9.	Капитал қурилиш ишлари харажатларига киритилган ҳисоб- китоб, валюта счёти ва банкдаги махсус счётлардан сарфланган пул маблағлари	2010	2310	0810	5110, 5210- 5220, 5510- 5530	5110, 5210- 5220, 5510- 5530	5110, 5210- 5220, 5510- 5530
10.	Мол етказиб берувчиларнинг қурилишга кўрсатган хизматлари учун улар счётлари-нинг акцектланиши	2010	2310	0810	6010	6010	6010
12.	Қурилишда банд ходимларга меҳнат ҳақининг ҳисобланиши	2010	2310	0810	6710	6710	6710
13.	Қурилишда банд ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ижтимоий суғуртага ажратмаларнинг амалга оширилиши	2010	2310	0810	6520	6520	6520
14.	Ҳисобдор шахслар томонидан харажатларнинг қурилиш ишлари таннархида акс эттирилиши	2010	2310	0810	6970	6970	6970
15.	Қурилишда аниқланган сифатсиз ишлардан қўрилган йўқотишларнинг ҳисобдан чиқарилиши	2610	2610	2610	2010	2310	0810
16.	Қурилиш ишларини ҳақиқий таннархи акс эттирилди	9130	9130	9130	2010	2310	0810

Капитал қурилишда ҳар ойда тўлғазиладиган бажарилган ишлар қиймати (харажатларга киритилган) тўғрисидаги маълумотнома (счет-фактура) асосий ҳужжат ҳисобланиб (1-илова), у асосида бажариб бўлинган барча ишлар қиймати ҳисобланади.

Ушбу ҳужжатни «Бошқа харажатлари» бўлимига қуйидаги харажатларни киритиш зарур:

1. Банк ва бошқа юридик шахслардан олинган қарз фоизларини капиталлашган қисми;
2. Умумишлаб чиқариш харажатлари.

Хулоса қилганимизда, хужалик юритувчи субъектларда капитал қўйилмаларга сарфланган харажатларни ҳисобга олиш ва таннарх аниқлашнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш сарфланган капитал қўйилмалар сифатини ошириш ҳамда уларни молиявий барқарорлигини оширишда муҳим аҳамиятга касб этади.

2.3. Бухгалтерия ҳисобида капитал қўйилмаларни баҳолаш ва капиталлаштириш муаммолари

Бозор муносабатларининг ва шу билан бир қаторда жаҳон молиявий инқирозининг чуқурлашуви шароитида саноат корхоналарида капитал қўйилмаларни тўғри ва аниқ ҳамда ўз вақтида баҳолаш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бу муаммони ечиш кўп жиҳатдан капитал қурилишда трансферт баҳони оқилона шакллантиришга боғлиқдир.

Капитал қурилишда трансферт баҳо бу ярим тайёр маҳсулот (қурилиш бўлинмалари томонидан бажарилган ишлар) қийматини аниқлашда корхонани бир жавобгарлик марказидан иккинчи жавобгарлик марказига ўтказишда қўлланиладиган баҳо ҳисобланади.

Соғлом рақобатга асосланган бозор шароитида ва жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлаши ишлаб чиқиладиган жараёнда трансферт баҳони қўллашнинг афзаллиги шундан иборатки, ҳар бир қурилиш бўлинмалари ўз бажарилган ишларига мустақил

равишда баҳо белгилайди. Бундай баҳолаш усули бозор иқтисодиёти қонуниятларидан келиб чиқиб шаклланади.

Трансферт баҳо тамойилларини қўллашни асосий самарадорлиги жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади.

- бўлинмаларда ва шу асосда капитал қурилишда бажарилган ишлар натижалари бўйича бошқарувни ишончли маълумотлар билан таъминлаш;
- трансферт баҳосини ташкил этувчи харажатлар меъёрларини ишлаб чиқиш, харажатларни ортиқча сарфланишини олдини олиш;
- ҳар бир босқичда хўжалик юритишнинг моддий жавобгарлик ва моддий манфаатдорлик тамойилларининг ижросини таъминлаш;
- бозордан оралиқ маҳсулотларни сотиб олиш ёки оралиқ босқичларда бажарилган ишларни қабул қилиб олишда баҳолар ўзгаришини бартараф этиш, корхонанинг маржинал фойдаси камайишини олдини олишда муҳим ўрин тутади.

Қуйида («Муборакнефтваз» Унитар шуба корхонасида битта технологик жараён бўйича трансферт баҳонинг шаклланишини кўриб чиқамиз (2.5-жадвал).

Келтирилган жадвалдан хулоса қилганимизда, қурилиш ишларини кетма-кетликда амалга оширишда ҳар бир технологик босқичнинг оралиқ бажарилган ишлари харажатлари суммасини трансферт баҳо асосида аниқлаш усули корхона бошқарувини бажарилган қурилиш ишлари қиймати тўғрисидаги ишончли маълумотлар билан таъминлаш имконини беради.

Капитал қурилишда пудрат шартномалари бош ва йиллик шартномалардан иборат бўлади.

Бош шартнома бажарилган ишларнинг бутун ҳажми бўйича, йиллик шартнома эса ҳисобот йилида бажариладиган ишлар юзасидан тузилади. Бунда пудратчи билан буюртмачи ўртасидаги ҳисоб-китоблар қуйидаги тартиблардан бирига асосан олиб борилади: объект қурилиши тугалланиши бўйича, объект қурилиши босқичларини тўла ёки қисман тугалланиши бўйича.

«Муборакнефтваз» Унитар шўъба корхонаси да трансферт баҳони шакллантириш ҳисоб-китоби

минг сўмда

Қурилиш бўлинмалари таркиби	Қурилишда оралик босқичда бажариладиган ишлар	Бўлинмалар бевосита харажатлари таркиби (X_i)	Босқичлар бўйича трансферт баҳони ҳисоб-китоби ($Тб.бос_i$)	Сотишнинг охириги босқичида трансферт баҳо ҳисоб-китоби ($Отрб_i$)
Ер ости қазииш ишларини бажариш бўлинмаси	Ер остини қазииш	Моддий харажатлар; Меҳнат ҳақи харажатлари ($X_1=M_d+M_x=79+14=93$)	$Тб.бос_1=X_1=93$	$Отрб_1=Тб.бос_1+Ф_1^*=93+11=104$
Ер устини қазииш ва текислаш ишларини бажариш бўлинмаси	Бинони қуриш учун мўлжалланган ер устки қисмини текислаш	Моддий харажатлар; Меҳнат ҳақи харажатлари ($X_2=M_d+M_x=46+15=61$)	$Тб.бос_2=Тб.бос_1+X_2=93+61=154$	$Отрб_2=Тб.бос_2+Ф_1+Ф_2=154+11+8=173$
Қурилиш бўлинмаси	Бинони қуриб битказиш	Моддий харажатлар; Меҳнат ҳақи харажатлари ($X_3=M_d+M_x=44346+14782=59128$)	$Тб.бос_3=Тб.бос_2+X_3=154+59128=59282$	$Отрб_3=Тб.бос_3+Ф_1+Ф_2+Ф_3=59282+11+8+7095=66242$
Монтаж бўлими	Монтаж ишларини бажариш	Моддий харажатлар; Меҳнат ҳақи харажатлари; Қурилиш машиналарини ишга тушириш харажатлари ($X_4=M_d+M_x+K_m=19066+3905+15025=37996$)	$Тб.бос_4=Тб.бос_3+X_4=59282+37996=97278$	$Отрб_4=Тб.бос_4+Ф_1+Ф_2+Ф_3+Ф_4=97278+11+8+7095+4559=108941$
Ички пардозлаш бўлими	Ички пардозлаш ишларини бажариш	Моддий харажатлар; Меҳнат ҳақи харажатлари ($X_5=M_d+M_x=4494+3677=8171$)	$Тб.бос_5=Тб.бос_4+X_5=97278+8171=105449$	$Отрб_5=Тб.бос_5+Ф_1+Ф_2+Ф_3+Ф_4+Ф_5=105449+11+8+7095+14559+980=118102$
Ташқи пардозлаш бўлими	Ташқи пардозлаш ишларини бажариш	Моддий харажатлар; Меҳнат ҳақи харажатлари ($X_6=M_d+M_x=154807625=23105$)	$Тб.бос_6=Тб.бос_5+X_6=105449+23105=128554$	$Отрб_6=Тб.бос_6+Ф_1+Ф_2+Ф_3+Ф_4+Ф_5+Ф_6=128554+11+8+7095+4559+980+2773=144013$
Бошқа қурилиш ишларини бажариш бўлинмалари	Бошқа бажариладиган ишлар	Моддий харажатлар; Меҳнат ҳақи харажатлари ($X_7=M_d+M_x=68095+17028=85123$)	$Тб.бос_7=Тб.бос_6+X_7=128554+85123=213677$	$Отрб_7=Тб.бос_7+Ф_1+Ф_2+Ф_3+Ф_4+Ф_5+Ф_6+Ф_7=213677+11+8+7095+4559+980+2773+10266=239369$
Якуний трансферт баҳо (сотиш баҳоси)	X	X	X	239369

Бу жадвалда M_d - моддий харажатлар; M_x - меҳнатга ҳақи харажатлари; K_m - қурилиш машиналарини ишга тушириш харажатлари; $Ф$ - ҳар бир босқичнинг якунида режалаштирилган фойда суммаси (тегишли босқичнинг жами харажатларига нисбатан 12% ҳисобида олинган).

Капитал қурилишда трансферт баҳоларни қурилишнинг айрим босқичларини баҳолашда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунда қурилиш ишларини қуйидаги босқичларга ажратиш мақсадга мувофиқдир: ер остини қазилар ишлари, ер устини текислаш ишлари, монтаж ишлари, ички ва ташқи пардозлаш ишлари, пудратчининг бошқа харажатлари.

Ер ости ва ер устини қазилар ҳамда текислаш ишларига трансферт баҳони белгилашда бу ишларга сарфланган харажатлар суммаси асос бўлади.

Мазкур харажатлар қурилишга капитал қўйилмалар сарфлаётган корхона томонидан тузиладиган 3-сонли «Бажарилган ишлар ҳажми ва сарфланган харажатлар тўғрисидаги маълумотнома» номли ҳисобот шаклида кўрсатилади (1-илова).

Ер ости ва устини қазилар ҳамда текислаш ишлари бўйича харажат моддаларини қуйидагича таснифлаш зарур:

- ер ости ва ер устини қазилар ҳамда текислаш ишлари учун сарфланган хомашё ва материаллар;
- ер ости ва ер устини қазилар ҳамда текислаш ишлари харажатларига киритиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари (ижтимоий суғуртага ажратмалар билан);
- ер ости ва ер устини қазилар ҳамда текислаш ишларида бевосита банд бўлган асосий воситаларнинг амортизация харажатлари;
- умумишлаб чиқариш харажатлари;
- ер ости ва ер устини қазилар ҳамда текислаш ишлари бўйича бошқа харажатлар.

Бош ва субпудратчилар билан шартнома тузишда шартнома қийматини белгилашда ушбу харажатлардан фойдаланиш мумкин.

Бизнингча, капитал қўйилмалар бухгалтерия ҳисобининг тамойилларига кўра узоқ муддатли актив ҳисобланганлиги сабабли, асосий воситаларни қайта баҳолашда қўлланиладиган қуйидаги усулларни капитал қўйилмаларни баҳолашда ҳам қўллаш мумкин.:

1. *Тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули.*

Ушбу усулда 1 январ ҳолатига мавжуд бўлган тугалланмаган капитал қўйилмаларнинг қиймати уларнинг ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳақиқий бозор баҳолари асосида қайта ҳисоб-китоб қилинади. Ушбу баҳоларни аниқлашда “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» ги Низомга асосан қуйидагилар муҳим манба ҳисобланади:

- қайта баҳолашни ўтказиш ва асосий воситаларни сотиб олиш саналарида Марказий банк томонидан белгиланган валюта курслари нисбати сифатида аниқланган ҳисоб коэффициентларини қўллаган ҳолда сотиб олиш санасида асосий воситаларни эркин айирбошладиган валютадаги қиймати тўғрисидаги маълумотлар (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган ҳолатда);
- тегишли давлат органларида мавжуд бўлган шарҳлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;
- қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус нашрларда эълон қилинган нархлар ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар;
- қайта баҳолаш ўтказилаётган субъектнинг капитал қўйилмалари тўғрисидаги маълумотлар.

Мазкур усулда капитал қўйилмаларнинг ўтган йилги қиймати бозор қийматига етказилади. Бунда капитал қўйилмаларнинг бозор ва ўтган йилги қиймати ўртасидаги фарқ қайта баҳолаш қийматини ташкил қилади.

2. *Индекс усули.* Ушбу усулда капитал қўйилмаларнинг ўтган йилги қиймати Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг Давлат статистика департаменти томонидан ҳар йилнинг 1 январ ҳолатига белгиланадиган коэффициентларга кўпайтирилиб уларнинг янги қиймати аниқланади.

Капитал қўйилмаларни қайта баҳолаш субъект томонидан мустақил равишда тузилиб, раҳбарият тасдиқлаган махсус комиссия иштирокида мулки

қайта баҳолаш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотни шартнома асосида жалб этиш йўли билан амалга оширилади.

Капитал қурилишда ишлар бажариш жараёнини маблағлар билан таъминлашда банк кредитлари муҳим аҳмиятга эга.

Республикамизда амалдаги бухгалтерия ҳисоби тизимида банк кредитлари учун фоизлар асосан молиявий фаолият бўйича харажатларга киритилади ва бу харажатлар якуний молиявий натижа ҳисобидан қопланади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро тажрибасига кўра, капитал қурилиш учун олинган банк кредитлари фоизларининг бир қисми капиталлаштирилади. Бу борада иқтисодчи олимлар томонидан берилган фикрларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бобожонов О. ва Жуманиёзов К.ларнинг фикрича, “биноларни қуриш жараёнида қарзлар бўйича ҳисобланган фоизлар баъзи ҳолларда капиталлаштирилади. Фоизларни капиталлаштириш мураккаб ва қарама-қарши ҳисобланади. Шунга эътибор бериш керакки, монтаж талаб қилинмайдиган (йиғилмайдиган) активни сотиб олишда фойдаланилган қарз мажбурияти фоизлар капиталлаштирилмайди, чунки бундай актив тайинланиш шаклига эга бўлган ҳолатдадир.

... актив уни ишга тушириш ишлари тугамагунча даромад келтира олмайди. Шунинг учун активнинг яратилиш жараёнида ҳисобланган фоизларни капиталлаштириш зарур” (2.1., 128 б.).

Ўразов К. нинг таъкидлашича, “кредит ва қарзлар эвазига капитал инвестициялар амалга оширилганда кредит ёки қарзлар учун тўланган фоизларнинг маълум бир қисми ҳам махсус ҳисоб-китобларга кўра капиталлаштирилиши мумкин” (2.26., 87 б.).

Кредит ёки қарзлар бўйича харажатларни капиталлаштириш ҳисоб-китобларини амалга ошириш тартибини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз:

Мисол. “Муборакнефтьгаз” Унитар шуъба корхонасида бино қуриш 2007 йил 1 июлда бошланган.

1. Уни қуришга сарфланган капитал харажатлар қуйидагича бўлган:

– 31 июль ҳолатига	-	1450000 сўм
– 31 август ҳолатига	-	1430000 сўм
– 30 сентябр ҳолатига	-	1650000 сўм
– 31 октябр ҳолатига	-	1470000 сўм
– 30 ноябр ҳолатига	-	900000 сўм
– 31 декабр ҳолатига	-	1100000 сўм
Жами харажатлар	-	8000000 сўм

2. Кредит ёки қарз шартномасига асосан олинган кредит ёки қарзнинг суммаси ҳамда унга тўланадиган фоиз суммаси топилади.

Бино қурилиши учун 2007 йил 1 июлда банкдан 11000000 сўмлик кредит йилига 10%, бошқа корхонадан эса, 2007 йил 1 сентябрда 2500000 сўмлик қарз йилига 6% тўлаш шарти билан бир йил муддатга олинган. Бу ҳолатда ҳисобот йили учун ҳисобланган фоиз суммалари қуйидагича бўлади:

- банк кредити бўйича - $11000000 \cdot 10\% \cdot 6/12 = 550000$ сўм.
- корхонадан олинган қарз бўйича - $2500000 \cdot 6\% \cdot 4/12 = 50000$ сўм.

Жами харажатлар суммаси - $550000 + 50000 = 600000$

3. Ҳисобланган фоизларнинг ҳисобот йилида олинган жами кредит ва қарзга нисбатан ўртача фоизи топилади яъни:

$$600000 / (11000000 + 2500000) \cdot 100\% = 4,44 \%$$

4. Ушбу ўртача фоиз миқдори асосида ҳисобот йилида қилинган инвестиция суммасига нисбатан фоизларни капиталлаштириш мумкин бўлган максимал сумма аниқланади. Бунинг учун олдин ҳисобот йилида цех қурилишига сарфланган харажатларнинг йиллик жамланган ўртача миқдори топилади (2.6-жадвал):

Жадвалдан кўриниб турибдики, капитал қурилишда ўртача жамланган инвестициялар суммасига нисбатан фоизларни капиталлаштиришнинг максимал суммаси ҳисобот йилида 80512 сўмни ташкил этади

(1813334*4,44%), ҳисобланган фоизларнинг ҳақиқий суммаси эса ҳисобот йилида 600000 сўмдан иборат бўлган.

Демак, юқоридаги ҳисоб-китобларга асосланиб хулоса қилганимизда, ҳисобот йилида ҳисобланган 600000 сўмлик фоиз харажатларидан фақатгина 80512 сўмгина тугалланмаган қурилиш қийматига киритилиши яъни капиталлаштирилиши мумкин.

Қолган 519488 (600000-80512) сўм фоиз харажатлари ҳисобот йилида молиявий фаолиятга доир харажатлар сифатида тан олинади.

Қурилаётган сутни қайта ишлаш цехи биносига сарфланган капитал кўйилмалар суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 0810-«Тугалланмаган қурилиш» - 8000000 сўм

Кредит 5110-«Ҳисоб-китоб» счёти - 8000000 сўм

2.6-жадвал

Ҳисобот йилида капитал қурилишга сарфланган инвестицияларнинг жамланган ўртача миқдори

Сана	Сарфланган маблағлар, сўм	Капиталлаш-тириш даври	Ўртача жамланган инвестиция суммаси, сўм
1	2	3	4
31 июл	1450000	5/12	604167
31 август	1430000	4/12	476667
30 сентябр	1650000	3/12	412500
31 октябр	1470000	2/12	245000
30 ноябр	900000	1/12	75000
31 декабр	1100000	0/12	0
Жами	8000000	-	1813334

Кредит ва қарзлар бўйича капиталлашган сумма эса қуйидагича расмийлаштирилади:

Дебет 0810-«Тугалланмаган қурилиш» - 80512 сўм

Кредит 6920-«Ҳисобланган фоизлар» - 80512 сўм

Цех биносини қуриш мақсадида олинган банк кредитлари учун фоизларни харажат деб тан олинган қисмига қуйидагича бухгалтерия ёзувлари бериледи:

Дебет 9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар» - 519488 сўм

Кредит 6920-“Ҳисобланган фоизлар” - 519488 сўм

Агар фоизларни капиталлаштириш мумкин бўлган максимал сумма ҳисобот йилида 630000 сўмни ташкил этганда эди, у ҳолда ҳисобот йилида 60000 сўмлик фоиз харажатларини тўлиқ капиталлаштириш мумкин эди.

Харажатлар капиталлаштирилса (ёки капитал қўйилмалар деб ҳисобланса) корхона активлари суммаси ортади. Агар харажат давр харажати сифатида олинса, у ҳисобот даври даромадини камайтиради.

Саноат корхоналарида бино ва иншоотлар дастлабки қийматига асосан қабул қилинади, бу қиймат сотиб олиш баҳосига бино ва иншоотларни фойдаланишга тайёрлаш учун сарфланган барча харажатлардан шаклланади. Бунда ўрнатиш харажатлари (асбоб-ускуналарни фойдаланишга тайёрлаш ва мослаштириш билан боғлиқ харажатлар) капиталлаштирилиши зарур.

Асосий воситалар сотиб олинаётганда счет-фактура баҳосига қўшиладиган қўшимча харажатлар амалга оширилади. Бу харажатлар ўз ичига мулк ҳуқуқи, мулкни рўйхатдан ўтказиш харажатлари ва бошқа коммиссион тўловларни ўз ичига олади. Бу харажатларнинг барчаси капиталлаштирилади.

Агар машина ва ускуналар корхонанинг ўз ходимлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, барча ишлаб чиқариш харажатлари капиталлаштирилади. Бу харажатларнинг капиталлаштирилишига сабаб улар бевосита бир неча ҳисобот даврида фойдаланиладиган асосий воситаларга тегишли ҳисобланади.

Шуни эътиборга олиш керакки, монтаж талаб қилмайдиган асосий воситаларни сотиб олишда фойдаланилган қарзлар бўйича харажатлар капиталлаштирилмайди, чунки бунда асосий воситалар фойдаланишга тайёр ҳисобланади.

Хулоса қилганимизда, мамлакатимиз ҳисоб тизимида капиталлаштириш нисбатан янги тушунча ҳисобланиб, уни тўғри ҳисобга олиш ҳисоб-китобларни бозор талабларига мос равишда юритишга имкон беради.

2.4. Капитал қўйилмалар самарадорлиги кўрсаткичларининг аудиторлик таҳлили

Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқимсодиётига салбий таъсири оқибатларини бартараф этиш жараёнида капитал қўйилмалар таҳлилини тўғри амалга ошириш, яширин захираларни ўз вақтида аниқлаш, эришилган ютуқлардан хулоса чиқариш ҳамда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ечимни кутаётган муҳим масала ҳисобланади. Саноат корхоналарида капитал қўйилмалар таҳлили вазифасига қурилиш ишлари бўйича режанинг бажарилиши, асосий воситаларни сотиб олиш, уларни капитал таъмирлашни маблағлар билан таъминлаш, сарфланган капитал маблағлардан самарали фойдаланиш каби кўрсаткичларни баҳолаш киради.

Саноат корхонасида молиявий таҳлилни ўтказишда капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари яъни капитал харажатларни қоплаш даражасини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхонада режалаштирилган капитал қўйилма харажатларини амалга ошириш натижасида олинган иқтисодий фойда капитал қўйилмаларнинг самарадорлиги дейилади.

Аудитор капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарасини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиши зарур: фондлар рентабеллиги (соф фойданинг асосий ва айланма маблағлар суммасига нисбати), фонд қайтими (маҳсулот сотишдан тушган тушумни асосий ва айланма маблағлар суммасига нисбати), фонд сиғими (ишлаб чиқариш воситалари суммасини маҳсулот сотишдан тушган тушумга нисбати), капитал қўйилмаларнинг ўзини-ўзи қоплаш муддати. Бу кўрсаткич қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_{\text{ўз}} = \frac{I_1 - I}{C\Phi_1 - C\Phi} \quad (2.4.1)$$

$K_{\text{ўз}}$ - капитал қўйилмаларнинг ўзини-ўзи қоплаш муддати (йилларда);

I_1 - қўшимча капитал қўйилма амалга оширилгандан кейин шаклланган асосий воситаларнинг йиллик ўртача қиймати; I - қўшимча капитал қўйилмалар амалга оширилгунга қадар корхонада мавжуд асосий

воситаларнинг йиллик ўртача қиймати; $C\phi_1$ - қўшимча капитал қўйилмалар амалга оширилгандан кейинги соф фойда суммаси; $C\phi$ - қўшимча капитал қўйилмалар амалга оширилгунга қадар бўлган соф фойда суммаси.

Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги (K_c) капитал қўйилмаларнинг ўзини-ўзи қоплаш муддати ($K_{\text{вз}}$)га тескари миқдор бўлиб, қуйидаги тартибда аниқланади.

$$K_c = \frac{C\phi_1 - C\phi}{I_1 - I} \quad (2.4.2.)$$

(3.3.2.) формула орқали капитал қўйилмаларнинг ўзини-ўзи қоплаш муддатини қуйидаги формула орқали ҳам аниқлаш мумкин:

$$K_{\text{вз}} = \frac{1}{K_c} \quad (2.4.3.)$$

Мисол: Фараз қилайлик, қўшимча соф фойда - 10,0 млн. сўм, қўшимча капитал - 50,0 млн. сўм. Бунда,

$$K_c = \frac{10000000}{50000000} = 0,2$$

$$\text{Демак, } K_{\text{вз}} = \frac{1}{0,2} = 5 \text{ йил}$$

Аудитор капитал қўйилмалар энг самарали сарфланган объектларни аниқлаш учун ҳар бир объект бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг тежалган суммасини қуйидаги формула ёрдамида аниқлайди ҳамда бу кўрсаткич орқали объектларни таққослайди:

$$I_T = \frac{T_1 - T_2}{K_1 - K_2}$$

бу ерда, I_m - таққосланаётган объектларга сарфланган капитал қўйилмаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатларининг тежалган суммаси;

T_1, T_2 - капитал қўйилмалар сарфланган объектларда йиллик бажарилган ишлар таннарихи; K_1, K_2 - таққосланаётган объектларга сарфланган капитал қўйилмалар суммаси.

“Ўзнефтгазқазилма” АКнинг ўз маблағи ҳисобидан қурилаётган қурилишлар рўйхати

2.7-жадвал

минг сўмда

Объектнинг номи	2008 йилда капитал қўйилмалар					Асосий фондларнинг ишга тушириш	01.01.2009 йилга қолдиқ
	Капитал қўйилмалар жами	Қурилиш монтаж ишлари	Ускуналарни харид қилиш	Буюртмачилар-харажатлари ҳаммаси	Ш.ж. харидорлар хизмати		
“Ўзнефтгазқазилма” АК бўйича жами	377730	129182	47756	200892	77	354088	946152
Муборакнефтгаз” Унитар шуъба корхонаси	239369	86667	26890	125912	33	243052	335334
Ўзнефтгазқазилма” АК да “Муборакнефтгаз” Унитар шуъба корхонасининг улуши	63,37	67,1	56,3	62,68	42,86	40,4	35,4

2.8-жадвал

“Муборакнефтваз” Унитар шўба корхонасининг капитал қўйилмалари ҳолати таҳлили

минг сўмда

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2008 йилда ўзгариш 2007 йилга нисбатан
Баланс активи жами	1052294777	1306039476	253744499
Баланс активи 1-бўлими Узоқ муддатли активлар	731368032	1008799149	277431117
Капитал қўйилмалар	45492872	45173389	-319483
Капитал қўйилмаларнинг жами активга нисбатан улуши	4,3	3,5	-0,8
Капитал қўйилмаларнинг узоқ муддатли активларга нисбатан улуши	6,2	4,5	-1,7

2.9-жадвал

“Муборакнефтваз” Унитар шўба корхонасида капитал қўйилмаларнинг рентабеллиги таҳлили

минг сўмда

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2008 йилда ўзгариш 2007 йилга нисбатан
Капитал қўйилмалар	45492872	45173389	-319483
Фойда	26863894	38128615	11264721
Рентабеллик	59	84,4	25,4

2.7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Ўзнефтгазқазилма” АКнинг ўз маблағи ҳисобидан қурилаётган қурилишлар ичида “Муборакнефтгаз” унитар корхонасининг улуши жами капитал қўйилмалар бўйича 63,37 фоизни ташкил этган бўлса, қурилиш монтаж ишлари бўйича 67,1 фоизни, ускуналарни харид қилиш бўйича 56,3 фоизни ва Асосий фондларнинг ишга тушириш бўйича 40,4 фоизни ташкил этган.

2.8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Муборакнефтгаз” Унитар шўба корхонасида 2007 йил капитал қўйилмалар балнс активининг 4,3 фоизни 2008 йилда эса 3,5 фоизни ташкил этган .

Капитал қўйилмалар узоқ муддатли активларнинг 2007 йилда 6,2 фоизини, 2008 йилда 4,5 нисбатан улуши фоизини ташкил этган.

“Муборакнефтгаз” Унитар шўба корхонасида капитал қўйилмаларнинг рентабеллиги таҳлил қилиш учун 2.9-жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Жадвал маълумотларидан маълумки, қўйилмаларнинг рентабеллиги 2007 йил 59 фоизни, 2008 йил эса, 84,4 фоизни ташкил этган, яъни 2006 йилга нисбатан 25,4фоизга ошган. Демак. 2008 йилда капитал қўйилмалардан самаралироқ фойдаланилган.

2-боб бўйича хулосалар

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, саноат тизимидаги хўжалик юритувчи субъектларда капитал қўйилмалар ҳисобини такомиллаштириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этишнинг амалдаги тизимига мувофиқ, асосий фаолияти қурилиш ҳисобланган корхоналарда пудрат шартномаси бўйича бажариладиган барча қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари ҳисоби 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счётида юритилади. Капитал қурилиш жараёнида қурилиш механизмларини таъмирлашга сарфланадиган

устама харажатларни ҳисобга олиш тартиби қурилиш ишлари ҳисобига қўйиладиган умумий талаблардан фарқ қилади Жаҳон молиявий инқирози тобора чуқурлашиб бориш жараёнида саноат корхоналари учун капитал қўйилмаларнинг аҳамияти ортиб боради. Капитал қўйилмалар корхона асосий воситаларни кенгайтириш ва сифатини яхшилаш борасидаги харажатлар, асосий воситаларни ва номоддий активларни сотиб олиш, кўп кўп йиллик дарахтларни экиш ва парваришlash, асосий подани шакллантиришга сарфланган капитал харажатлар узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш харажатлари, узок муддатли активларни яратиш харажатларини ифодалайди.

Республикамизда амалдаги бухгалтерия ҳисоби тизимида банк кредитлари учун фоизлар асосан молиявий фаолият бўйича харажатларга киритилади ва бу харажатлар якуний молиявий натижа ҳисобидан қопланади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро тажрибасига кўра, капитал қурилиш учун олинган банк кредитлари фоизларининг бир қисми капиталлаштирилади.

Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсири оқибатларини бартараф этиш жараёнида капитал қўйилмалар таҳлилини тўғри амалга ошириш, яширин захираларни ўз вақтида аниқлаш, эришилган ютуқлардан хулоса чиқариш ҳамда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ечимни кутаётган муҳим масала ҳисобланади. Саноат корхоналарида капитал қўйилмалар таҳлили вазифасига қурилиш ишлари бўйича режанинг бажарилиши, асосий воситаларни сотиб олиш, уларни капитал таъмирлашни маблағлар билан таъминлаш, сарфланган капитал маблағлардан самарали фойдаланиш каби кўрсаткичларни баҳолаш киради.

Тармоқ корхоналари олдида фақатгина асосий воситаларни кенгайтириш эмас, балки уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш вазифаси ҳам қўйилади. Бунда саноат корхонасида молиявий таҳлилни ўтказишда капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари яъни капитал харажатларни қоплаш даражасини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот объекти маълумотларидан кўриниб турибдики, “Ўзнефтваз-қазилма” АКнинг ўз маблағи ҳисобидан қурилаётган қурилишлар ичида “Муборакнефтваз” унитар корхонасининг улуши жами капитал қўйилмалар бўйича 63,37 фоизни ташкил этган бўлса, қурилиш монтаж ишлари бўйича 67,1 фоизни, ускуналарни харид қилиш бўйича 56,3 фоизни ва асосий фондларнинг ишга тушириш бўйича 40,4 фоизни ташкил этган.

Бундан ташқари “Муборакнефтваз” Унитар шуъба корхонасида 2006 йил капитал қўйилмалар баланс активининг 4,3 фоизни 2007 йилда эса 3,5 фоизни ташкил этган. Капитал қўйилмалар узоқ муддатли активларнинг 2006 йилда 6,2 фоизини, 2007 йилда 4,5 нисбатан улуши фоизини ташкил этган.

“Муборакнефтваз” Унитар шуъба корхонасида капитал қўйилмаларнинг рентабеллиги таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, капитал қўйилмаларнинг рентабеллиги 2007 йил 59 фоизни, 2008 йил эса, 84,4 фоизни ташкил этган, яъни 2007 йилга нисбатан 25,4 фоизга ошган. Демак. 2008 йилда капитал қўйилмалардан самаралироқ фойдаланилган.

III БОБ. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲИСОБИ, ҲИСОБОТИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат корхона- ларида капитал қўйилмалар ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш.

Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози шароитида саноат маҳсулотларига бўлган талаби тобора ортиб бораётганлиги субъектларда капитал қўйилмалар ҳисобини такомиллаштиришни тақозо этади. Биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истикболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, республикамиздаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгрок фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Асарда Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган:

1) мамлакатимизда қабул қилинган 2009-2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий

ўсишнинг узок муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

2) таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

3) қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узок муддатли, ўзаро чуқур боғланган чора-тадбирлар кенг комплексини амалга ошириш;

4) аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

5) мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;


6) банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.⁷

⁷ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-б.

Президентимизнинг ушбу асарида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади.

Саноат корхоналарида капитал қўйилмалар ҳисобининг амалдаги тизимини қуйидаги расм орқали ифодалаш мумкин (3.1-расм.).

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этишнинг мавжуд варианти тармоқ корхоналарида капитал қўйилмаларнинг аналитик ҳисобини тўлиқ қамраб ололмайди.




3.1-расм. Саноат корхоналарида капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этишнинг амалдаги варианти

Шу сабабли, капитал қўйилмалар ҳисобини такомиллаштириш бўйича республикамиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибасини тадқиқ этиш асосида халқ хўжалиги корхоналарида капитал қўйилмалар ҳисобини самарали ташкил этиш имконини берадиган ҳисоб услубини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир (3.2-расм).

Мазкур расмда келтирилган капитал қурилишда ҳисобни ташкил қилиш тартиби капитал харажатларни тўғри ҳисобга олишга имконият яратади, бироқ унда саноат корхоналари фаолиятида амалга ошириладиган барча капитал қўйилмалар объектлари тўлиқ ўз аксини топмаган.

Бунда хўжалик юритувчи субъектларда капитал қўйилмалар ҳисобини юритиш тартибидаги фарқлар қурилиш-монтаж ишларида кузатилади, харажатларнинг қолган турлари эса (монтаж талаб қиладиган ёки қилмайдиган ускуналарни сотиб олиш, бошқа капитал харажатлар) хўжалик ва пудрат усулларидаги олиб бориладиган қурилишларда бир хил ҳисобга олинади.

Тадқиқотда таклиф этилган ҳисоб усули 18-сонли «Капитал қўйилмалар бўйича харажатлар ҳисоби» қайдномасидаги объектларни ишга тушириш давригача шаклланган қийматни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.



3.2-расм. Корхоналарида капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этишнинг таклиф этилаётган варианты

Ушбу ҳисоб юритиш тартибидан фойдаланилганда 18-сонли қайдномадаги капитал қўйилмалар бўйича харажатларни қайта гуруҳлаштириш талаб қилинмайди (2-илова). Шунингдек, 0800-"Капитал қўйилмалар ҳисоби счетлари" бўйича бухгалтерия ёзувлари ва айланмалар ҳажми қисқаради, битта қайдномада капитал қурилиш ва алоҳида объектларни харид қилиш бўйича харажатларни ҳисобга олиш имконияти пайдо бўлади.

Ушбу қайдномага «Ҳақиқатдаги баҳо ва смета қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилмаган суммалар қолдиғи» устунининг киритилиши жуда аҳамиятлидир. 0800-«Капитал қўйилмалар ҳисоби счетлари» счётидаги бўйича охириги сальдони 18-сонли қайдномада бевосита акс эттириш имконини беради.

Шунингдек, бугунги кунда тадқиқот объекти ҳисобланган корхоналарда капитал қўйилмалар бўйича ахборотлар амалдаги тегишли молиявий ҳисобот шаклларида қисқача ифодаланмоқда. Аммо, бозор иқтисодиёти шароитида турли янги иқтисодий инфратузилмаларнинг вужудга келиши ушбу инфратузилмаларга нисбатан инвесторларнинг қизиқишини орттирмоқда. Мазкур ҳолатлар инвестор учун ҳар бир ўйинлоў хўжалик корхонасида капитал қўйилмалар объектларини ажратиб кўрсатиш заруриятини юзага келтиради. Бироқ амалиётда капитал қўйилмалар ҳаракатини аниқ ифодаловчи бундай ҳисобот шакли мавжуд эмас.

Шу сабабли, илмий изланишлар натижаларига асосланган ҳолда ишда корхоналарнинг алоҳида хусусиятларини акс эттирадиган «Капитал қўйилмалар ҳаракати тўғрисида»ги ҳисобот шаклини тавсия этамиз. (3.1.1-жадвал).

Жадвалда капитал қўйилмалар объекти алоҳида қаторларда ажратиб кўрсатилган ва йил бошига капитал қўйилмаларнинг қолдиқ қиймати, йил давомида бажарилган ишлар суммаси, тугалланиб капитал қўйилмалар ҳисобидан чиқарилган қийматликлар ҳамда йил охирига капитал қўйилмаларнинг қолдиқ қиймати алоҳида устунларда ифодаланган.

3.1-жадвал

Капитал қўйилмалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг таклиф этилаётган шакли,¹ минг сўмда

T/p	Капитал қўйилмаларнинг турлари	Сатр коди	Йил бошига капитал қўйилмаларнинг қолдиқ қиймати	Йил давомида бажарилган ишлар суммаси	Тугалланиб капитал қўйилмалар ҳисобидан чиқарилган қийматликлар	Капитал қўйилмаларнинг қолдиқ қиймати
1	2	3	4	5	6	7=4+5-6
1.	Тугалланмаган қурилиш	010	5565,8	5512	321,9	10755,9
2.	Асосий воситаларни сотиб олиш	020	876,7	822,9	124,7	1574,9
3.	Номоддий активларни сотиб олиш	030	0	0	0	0
4.	Асосий подани шакллантириш	040	432,9	379,1	64,1	747,9
5.	Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар	050	164,5	110,7	23,9	251,3
6.	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар	060	7654,6	7600,8	456,2	14799,2
7.	Қўп йиллик дарахтларни экиш ва парваришlashга сарфланган капитал қўйилмалар	070	165,8	112	21,8	256
8.	Бошқа капитал қўйилмалар	080	54,3	0,5	31,9	22,9
Жами		100	14914,6	14538	1044,5	28408,1

Келтирилган ҳисобот шаклининг иқтисодий заруратини ҳисобга олиб, уни Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27-декабрдаги 140-сонли буйруғига асосан тасдиқланган молиявий ҳисобот шакллариغا қўшимча равишда киритиш ва 6-сонли «Капитал қўйилмалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳисобот шакли ташқи ва ички фойдаланувчилар, хусусан салоҳиятли инвесторлар учун капитал қўйилмалар тўғрисида ўз ваўтида ва ишончли маълумотлар олиш имконини яратади.

¹ Ушбу Капитал қўйилмалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг таклиф этилаётганлиги сабабли раъамлар шартли олинган

Юқоридаги тартибда 0810-«Тугалланмаган қурилиш» счётида ҳам қўйидаги аналитик счётларни очиш зарур: 0811-«Тугалланмаган қурилишга сарфланган моддий ва меҳнат харажатлари, 0812-«Тугалланмаган қурилишга бажарилган иш ва хизматлар», 0813-«Тугалланмаган қурилишга олинган банк қарзлари ва бошқа қарзлар бўйича харажатлар (фоизлари билан)», 0814-«Бошқа тугалланмаган қурилиш харажатлари».

0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш» счётида қўйидаги аналитик счётлар очиш мумкин: 0821-«Асосий воситаларни келтириш билан боғлиқ моддий ва меҳнат харажатлари», 0822-«Асосий воситаларни сотиб олишда кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлар», 0823-«Асосий воситаларни сотиб олишда банк кредитлари ва бошқа қарзлар бўйича харажатлар», 0824-«Асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ бошқа харажатлар».

0830-«Номоддий активларни сотиб олиш», 0840-«Асосий подани шакллантириш», 0850-«Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар», 0860-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётида ҳам зарур ҳолларда тегишли аналитик счётлар очилиши мумкин. Бу ҳолат халқ хўжалиги корхоналарида капитал қўйилмаларга сарфланган харажатларни бажарилган ишлар бўйича аниқ тақсимлаш, харажатлар ҳисобининг аналитик хусусиятини оширади ва уларни тўғри ҳисобга олиш имконини беради.

Шунингдек, капитал қўйилмалар таркибини аниқлаштириш харажатлар объектларини тўғри белгилаш ва бу харажатлар назоратини тегишли жавобгарлик марказлари зиммасига юклашга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли миллий стандартига кўра, узоқ муддатли ижарага сарфланган инвестициялар ижара шартномасига асосан 0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётида ҳисобга олинади. Бухгалтерия ҳисобининг 6-сонли «Ижара ҳисоби» номли миллий стандартига мувофиқ, «ижара

қўйидагиларга бўлинади: лизинг (молиявий ижара), узоқ муддатли ижара, қисқа муддатли ижара.

Лизинг (молиявий ижара) ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизингга олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол- мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизингга олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради. Бунда лизинг шартномаси қўйидаги шартлардан бирига жавоб бериши керак:

а) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизингга олувчининг мулки бўлиб ўтса;

б) лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки лизинг объектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;

в) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизингга олувчи лизинг объектини унинг бозор қийматидан паст нархда эвазини тўлаб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кўнидаги лизинг объекти қиймати асос бўлади;

г) лизинг шартномаси амал қиладиган давр учун лизинг тўлов-ларининг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлса. (1.6., 6-сонли «Ижара ҳисоби» номли стандарт (6-сонли «Лизингни ҳисобга олиш» номли БҲМСга ўзгартиришлар 2 б.). (Ўз.Р.Адлия Вазирлигида 2004 йил 22 июнда 1374-сон билан рўйхатга олинган).

Мазкур объектларни ободонлаштиришга сарфланган капитал харажатлар алоҳида 0860-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар» сче­тида акс эттирилади. Ушбу сче­т де­бе­тида ободонлаштиришга сарфланган капитал

қўйилмалар тасдиқловчи ҳужжатлар (далолатномалар, нарядлар) асосида акс эттирилиб, сарфланган харажатлар турига қараб, 1000-«Материаллар ҳисоби счетлар», 6710-«Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашишлар», 6990-«Бошқа мажбуриятлар» смети кредитланади.

Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришга доир муомалаларни қуйидаги тартибда расмийлаштириш мақсадга мувофиқдир (2.6.-жадвал):

Ушбу жадвал саноат корхоналарида узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришга сарфланган капитал харажатларни ўз вақтида ҳисобга олишга имкон беради.

0860-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар» сметида йиғилган суммани ҳисобга олишда 0100-«Асосий воситалар ҳисоби счетлари» смети таркибидага 0112 -«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» смети номини -«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олиниб узлаштирилган асосий воситалар» деб аталса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки ободонлаштириш сўзи тугалланмаган жараёни билдиради. Шу билан бирга ободонлаштирилиб бўлинган ернинг қиймати 0111-«Ерни ободонлаштириш» сметида ҳисобга олинса ушбу масалага мантқан тўғри ёндошилган бўлар эди. Бизнингча 0100-«Асосий воситалар» смети тизимида 0113-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган ва ободонлаштириб ўзлаштирилган асосий воситалар» смети очиш ижарага олинган ва ободонлаштириш субъект томонидан амалга оширилганда асосий воситанинг бошланғич қиймати ва уни ободонлаштириш харажатларини аниқ ҳисоб- китобини юритиш имконини беради, ва ижарага олиниб, ободонлаштирилмасдан ижара тўловларини тўлаб бўлгандан сўнг бирдан субъект ўзининг асосий воситалари таркибига қабул қилган асосий воситаларни фарқлари ва уларни таҳлилий хусусиятлари янада ортишига олиб келади. Шунингдек, мазкур объектлар эскиришини ҳисобга

олиш учун 0200-«Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби счетлари» смети таркибида ҳам 0213-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган ва ободонлаштириб ўзлаштирилган асосий воситаларнинг эскириши» скетини очиш лозим.

Ободонлаштирилиши тугалланган узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар қийматига қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

3.2-жадвал

Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш

№	Муомалалар мазмуни	Счетлар корреспонденцияси	
		Дебет	Кредит
1	2	3	4
1.	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ободонлаштиришга қабул қилинди	0860	0310
2.	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришга қуйидагилар сарфланди: а) материаллар; б) фойдаланилаётган асосий воситалар эскириши суммасига; в) ўрнатиладиган асбоб-ускуналар суммасига	0860 0860 0860	1010-1090 0200 0710-0720
3.	Мол етказиб берувчи ва пудратчилар томонидан бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар учун олинган тўловларнинг акцептланиши	0860	6010,7010
4.	Фойдаланилган банк кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятлари бўйича фоизларнинг ҳисобланиши	0860	6920
5.	Бюджетга тўланадиган солиқлар ҳисобланди	0860	6410
6.	Ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	0860	6710
7.	Умумишлаб чиқариш харажатларининг тақсимланадиган қисмига	0860	2510
8.	Узоқ муддатли лизинг шартномаси бўйича олинган ва ободонлаштирилиб ўзлаштирилган асосий воситаларнинг қирим қилиниши	0113	0860

Дебет 0113-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган ва ободонлаштириб ўзлаштирилган асосий воситалар» смети

Кредит 0860-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар» смети.

Ушбу объектларнинг амортизация суммаси 0213-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган ва ободонлаштириб ўзлаштирилган асосий воситаларнинг эскириши» счегининг кредитида йиғиб бoрилади.

Юқоридагилардан хулоса қилганимизда, халқ хўжалиги корхоналарида капитал қўйилмалар ҳисобини такомиллаштириш республикамызда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришга имкон беради.

3.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирoзи шарoитида капитал қўйилмалар аудитини такомиллаштириш йўналишлари.

Жаҳон молиявий инқирoзини Ўзбекистон иқтисодийётига таъсири борасида юртбошимиз ўз асарида қуйидагиларни таъкидлади, “...ўз ўрнида таъкидлаш лoзимки, молиявий инқирoзнинг республикамыз иқтисодийётига таъсири бошқа ривожланган ва айрим қўшни давлатлардагига қараганда мазмунан фарқ қилади. Агар бошқа мамлакатларда бу жараёнлар бевосита молия тизимининг издан чиқиши ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кескин қисқариб кетиши, кўплаб йирик корхоналарнинг ёпилиши орқали намоён бўлса, бизда жаҳон хомашё бoзорларида талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши ҳамда бунинг оқибатида экспорт даромадларининг сезиларли камайиши, асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қoбилиятининг пасайиши натижасида ташқи савдо айланмасининг қисқариши орқали намоён бўлади.

Шу билан бирга, бугунги кунда кўплаб етакчи олим ва мутахассисларимиз томонидан иқтисодийётимизда молиявий инқирoзнинг салбий оқибатлари таъсирини пасайтирадиган омиллар мавжудлиги таъкидланмоқда. Иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига кўра, мамлакатимиз иқтисодийётининг жаҳон иқтисодийётига инқирoз оқибатлари аҳамиятли таъсир кўрсатадиган даражада интеграциялашмаганлиги,

мамлакатимизда катта ҳажмдаги хорижий капитални ушлаб турувчи компания ва молиявий институтларнинг йўқлиги, хусусийлаштириш механизми ва шарт-шароитлари натижасида деярли барча устав фондларининг корхоналарнинг реал хусусий активлари билан таъминланганлиги каби ҳолатлар асосида инқирознинг салбий таъсири у қадар катта бўлмаслиги мумкин. Аксинча, ҳозирги инқироз эҳтимол тутилаётган салбий таъсирлардан ташқари биз учун ижобий таъсирларга ҳам эга бўлиши, янги имкониятларни вужудга келтириши мумкин. АҚШ ва Европадаги инвесторлар акциялардан бош тортиб, ўз активларини бўшатмоқдалар. Моҳиятига кўра, қайтадан қандайдир ишга жалб этилиши зарур бўлган ресурсларни бўшатиш жараёни бормоқда. Демак, янги бозорларни, янги имкониятларни излаш бошланади. Инвесторлар капитал киритишнинг муқобил йўллари қидирадилар. Ғарб бозорлари турғунликка юз тутган чоғда ривожланаётган мамлакатлар бозорлари ўсишнинг ижобий динамикасини кўрсатади. Шундай мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кўплаб инвесторлар Ўзбекистон бозорига эътибор қаратишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.⁸

Бозор иқтисодиёти шароитида капитал қўйилмалар саноат корхоналари фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этади. Улар фойдаланилаётган асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа активларни сотиб олиш таъмирлаш, кенгайтириш яратиш ва такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириши зарур. Шу сабабли, аудитор капитал қўйилмаларни режалаштиришнинг амалий жиҳатдан асосланганлигини текширишда режанинг бажарилиш даражасини, режа бажарилмаган ҳолатда унинг сабабларини аниқлаш, ҳисоб-китоб ва лойиҳа-смета қоидаларига риоя қилиниши, капитал қўйилмаларга сарфланган маб-

⁸ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 7-б.

лағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланаётганлигини текшириш, тугалланган қурилишни қабул қилиш тартиби билан танишиш лозим. Аудитор бу вазифаларни амалга оширишда корхонада капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги саволномани тузиб олиши зарур (3.3-жадвал):

3.3-жадвал

Капитал қўйилмалар аудити бўйича аудиторнинг тест саволлари

Тамойил-лар	Саволларнинг Мазмуни	Жавоблар			
		Ҳа	Йўқ	Жавоб йўқ	Изоҳ
Шартлар	1. Капитал қўйилмалар бўйича батафсил ҳисоб-китоб юритиладими?	+	-	-	
Ҳаққо-нийлик	2. Капитал қўйилмалар инвентаризациядан ўтказилиб туриладими?	+	-	-	
	3. Капитал қўйилмаларнинг қиймати қайта баҳоланиб бориладими?	-	+	-	
Тўлиқлик	4. Капитал қўйилмалар табиий офатлардан суғурта қилинганми? Қоплаш коэффициентлари доимий таҳлил қилиб бориладими? Охирги таҳлил қачон ўтказилган?	-	+	-	
	5. Капитал қўйилмаларга доир солиқлар ва тўловлар тўғри тўланаяптими?	+	-	-	
Розилик	6. Кузатувчилар кенгаши ёки акциядорлар йиғилиши томонидан сметалар ва харажат нормалари тасдиқланганми?	+	-	-	
	7. Тасдиқланган меъёрлардан ошиқча харажатлар мавжудми, агар мавжуд бўлса уларни ҳисобдан чиқаришга рухсат олинганми?	-	+	-	
Аниқлик	8. Капитал қўйилмалар ҳисоби корхонанинг ҳисоб сиёсатида акс этганми?	+	-	-	
	9. Ички аудит хизмати томонидан тугалланмаган капитал қўйилмалар, модернизация ва капитал таъмирлаш харажатлари текшириб туриладими?	-	+	-	
Туркумлаш	10. Ташкилотда активларни капитализация қилиш, тўлиқ, капитал таъмирлаш, замонавийлаштириш ҳисоби бўйича лойиҳ-смета ҳужжатлари мавжудми?	-	+	-	
Даврий-лаштириш	11. Капитал қўйилмаларнинг турлари бўйича, уларнинг келиб тушиш саналари бўйича бухгалтерия ҳисоби юритиладими?	+	-	-	
Ҳисоб юритиш	12. Капитал қўйилмалар бўйича ҳисоб регистрлари билан Бош дафтарнинг колдиклари солиштирилиб бориладими?	+	-	-	
	13. Тугалланган ёки сотиб олинган объектлар бўйича дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоботлар ўз вақтида тузилиб топшириладими?	+	-	-	

Аудитор мазкур жадвалда келтирилган тестлар ёрдамида корхонада капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этилиши тўғрисида тўлиқроқ ахборотлар олиши мумкин. Бу эса капитал қўйилмалар аудити бўйича аудитор томонидан тузиладиган аудиторлик хулосасини ишончлилигини таъминлайди.

Капитал қурилишда капитал қўйилмаларга сарфланган қурилиш материаллари 1000-«Материаллар ҳисоби счетлари» смети, ўрнатилган асбоб-ускуналар 0710-«Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар» смети, меҳнат ҳақи харажатлари 6710-«Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашишлар» смети орқали текширилади.

Шунингдек, капитал қўйилмалар бўйича амалга оширилган бошқа муомалаларни аудит қилишда 0600-«Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби счетлари», 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар», 5000-«Кассадаги пул маблағлари ҳисоби счетлари», 5110-«Ҳисоблашиш смети» каби счетлар маълумотларидан фойдаланилади.

Аудитор саноат корхоналарида асосий воситаларнинг кирим қилишга оид муомалаларни текширишда объектларнинг дастлабки қийматини тўғри шакллантирилганлиги алоҳида эътибор бериши зарур. Бунда у 0100-«Асосий воситалар ҳисоби счетлари» ва 0800-«Капитал қўйилмалар ҳисоби счетлари» сметидаги маълумотларга асосланади. Чунки, мазкур счетларда сотиб олинган ёки қуриб битказилиб, балансга қабул қилиниши зарур бўлган объектларнинг инвентар қиймати аниқланади. Шунингдек, аудитор асосий воситаларнинг инвентарь қийматига қўшиладиган харажатларнинг таркиби, ҳамда уларнинг объектни капитал таъмирлашдаги аҳамиятини, капитал қурилишда фойдаланилган асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилиш сабабларини аниқлаш лозим. Аудитор шунга эътибор бериш керакки, ҳисоблаш техникалари, ёзув машинкалари ва асбоблар фаолият кўрсатиб турган корхоналар учун капитал қўйилмалар сифатида сотиб олинади, бироқ уларга смета тузилмайди.

Шу билан бирга, аудитор капитал қўйилмаларни аудиторлик текширувидан ўтказаетганда қўйидагиларни текшириши зарур:

- қурилиш ишларини бажарилишини муддатига риоя қилинишини, молиявий, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишни;
- капитал қурилишда маблағлардан смета ҳужжатларига мувофик фойдланилганлигини;
- қурилишни асбоб-ускуналар, инвентарлар ҳамда хомашё ва материаллар билан ўз вақтида, тўлиқ таъминланганлигини;
- қурилатган объектларнинг инвентарь қийматини ташкил этувчи харажатларнинг асослигини.
- пудратчига пудрат шартномасида келишилган тўловларни ўз вақтида тўланиши;

Аудитор капитал қўйилмаларга доир муомалаларни аудит қилишда бухгалтерия баланси, асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шакллари, бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотнома, бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси каби ҳужжатларни текширади.

Амалиётда кўпгина ҳолларда капитал қўйилмалар режасида белгиланган зарур ҳужжатларни тайёрлашда хатоликларга йўл қўйилади ва бу хатоликлар капитал қўйилмаларни амалга ошириш, сарфланган маблағлардан оқилона фойдаланиш имкониятларини пасайтиради. Шунинг учун, юқорида капитал қўйилмаларга оид ҳужжатларни расмийлаштиришда капитал қўйилмаларни молиялаштириш тартибига риоя қилиш аудиторлик текширувидан ўтказилади. Бунда капитал қўйилмаларнинг режалаштирилган ҳажмини молиялаштириш манбасига мос келиши, қурилиш объектлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг мавжудлиги, сифати, трактор ва автомашиналар ҳамда бошқа ускуналарни олиб келиш бўйича мол етказиб берувчилар билан шартномаларни ўз вақтида тузилганлиги, ишга туширилган объектларнинг титул рўйхатига киритилганлиги текширилади.

Аудитор капитал қўйилмаларга доир ҳужжатларни текширишда бизнес-режада капитал қўйилмаларга оид маълумотларни синчиклаб ўрганиб чиқади. суммасини нотўғри кўрсатилганлигини аниқласа, дарҳол бу камчиликларни бартараф этиш чорасини кўради. Бунда аудиторлар асосий ахборот манбаи сифатида бизнес режадаги базис даври маълумотлари ва корхонанинг келгуси даврлар учун тузилган ташкилий-хўжалик режасидан фойдаланилади. Аудитор зарур ҳолларда машина ва ускуналар тўғрисидаги техник маълумотлардан ҳам фойдаланади. Ушбу маълумотлар асосида қурилиш лойиҳасига мувофиқ, корхонанинг асосий воситалар ва номоддий активларга эҳтиёжи аниқланади. Бундан ташқари корхонада асосий воситалар ва номоддий активларнинг таркиби, фонд билан таъминланганлик, фонд қайтими, асосий восита ва номоддий активларнинг янгиланиш ҳамда ҳисобдан чиқариш коэффициенти каби кўрсаткичлар топилади.

Аудитор саноат корхонасида ўтган йилларда капитал қўйилмалар режасининг бажарилишини таҳлил қилиш асосида жорий йилга режалаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмини ҳаққоний баҳолаши зарур. Шунингдек, капитал қўйилмалар режасининг аниқлигини текширишда маблағларни танланган объектлар бўйича тўғри тақсимланганлигига эътибор бериш керак. Бунинг учун лойиҳа баҳоси, хўжалик усулида бажарилган ишларнинг таннарни ва режалаштиришнинг аниқлиги, номоддий активларнинг тўғри акс эттирилиши текширилади.

Кейин эса капитал қўйилмаларнинг режали ҳажмини янги молиялаштириш билан бирга, унинг алоҳида молиялаштириш манбалари ҳам аниқланади (ўз маблағларининг бюджет ажратмалари, узоқ ва қисқа муддатли банк кредитлари ва бошқалар). Бунда хўжаликнинг бизнес режаси капитал қўйилмаларнинг режаси билан солиштирилади.

Аудиторлар янги қурилиш режасини таҳлил қилаётганда унинг ҳисобот йили охирида тугалланган ишлаб чиқаришга таъсирини ўрганадилар. Бунда биринчи навбатда маблағлар сарфланаётган ишлаб чиқариш объектларини

ишга тушириш ва уларнинг лойиҳадаги қувватидан самарали фойдаланишга эътибор бериш зарур. Жумладан, янги капитал қурилишни амалга оширишда пудрат ва хўжалик усулининг тўғри режалаштирилганлиги ҳам текширилади.

Машина ва ускуналарни олиб келинишини аудит қилишда уларга берилган талабномлар ўрганилади, чунки, талабномалар асосида саноат корхонасида мавжуд техникаларнинг сони, ишлар режаси ва уларни молиявий маблағлар билан қай даражада таъминланганлигини аниқлаш мумкин.

Аудитор корхонада асосий воситаларни сотиб олиш ва қурилиш билан боғлиқ, аммо асосий воситаларнинг дастлабки қийматига киритилмайдиган харажатларни капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счетлардан 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счетининг ва бошқа счетларнинг дебетига ўтказилганлигига эътибор бериши зарур.

Саноатнинг бошқа тармоқлари ҳолати ва келгусида ривожланишини таҳлил қилаётганда аудитор капитал қўйилмаларнинг тўғри тақсимланганлигини аниқлайди. Хулоса қилганимизда, саноат корхоналарида капитал қўйилмаларнинг тўғри сарфланганлигини аудиторлик текширувидан ўтказиш улар иқтисодий самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришда янги имкониятларни яратади.

Республикамиз саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигини ошириш ва автоматлаштириш, асосий воситаларни доимий равишда янгилаш ва кенгайтиришни таъминлаш капитал қўйилмалар аудитини ўтказишда молиявий таҳлил имкониётларидан кенг фойдаланишни талаб қилади. Саноат тизимидаги капитал қурилиш ташкилотларида харажатлар ҳисобини ташкил этишда билвосита харажатлар муҳим аҳамиятга эга.

3-боб бўйича хулосалар

Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози шароитида саноат маҳсулотларига бўлган талаб тобора ортиб бораётганлиги субъектларда капитал қўйилмалар ҳисобини такомиллаштиришни тақозо этади. Биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Бу борадаги чора-тадбирлар Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида кенг ва батафсил баён қилиб берилган. Асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар баён қилиб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлишига қарамай 2008 йилда эришилган ижобий натижа ва ютуқлар баҳоланиб, республикамиздаги иқтисодий салоҳиятдан янада кенгрок фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Президентимизнинг ушбу асарида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади.

Шунингдек, бугунги кунда тадқиқот объекти ҳисобланган корхоналарда капитал қўйилмалар бўйича ахборотлар амалдаги тегишли молиявий ҳисобот шаклларида қисқача ифодаланмоқда. Аммо, бозор иқтисодиёти шароитида турли янги иқтисодий инфратузилмаларнинг вужудга келиши ушбу

инфратузилмаларга нисбатан инвесторларнинг қизиқишини орттирмоқда. Мазкур ҳолатлар инвестор учун ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасида капитал қўйилмалар объектларини ажратиб кўрсатиш заруриятини юзага келтиради. Бироқ амалиётда капитал қўйилмалар Шу сабабли, илмий изланишлар натижаларига асосланган ҳолда ишда корхоналарнинг алоҳида хусусиятларини акс эттирадиган «Капитал қўйилмалар ҳаракати тўғрисида»ги ҳисобот шаклини тавсия этамиз. Келтирилган ҳисобот шаклининг иқтисодий заруратини ҳисобга олиб, уни Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27-декабрдаги 140-сонли буйруғига асосан тасдиқланган молиявий ҳисобот шаклларига қўшимча равишда киритиш ва 6-сонли «Капитал қўйилмалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳисобот шакли ташқи ва ички фойдаланувчилар, хусусан салоҳиятли инвесторлар учун капитал қўйилмалар тўғрисида ўз вақтида ва ишончли маълумотлар олиш имконини яратади.

Халқ хўжалиги корхоналарида капитал қўйилмалар ҳисобини такомиллаштириш республикамизда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришга имкон беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида капитал қўйилмалар саноат корхоналари фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этади. Улар фойдаланилаётган асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа активларни сотиб олиш таъмирлаш, кенгайтириш яратиш ва такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириши зарур. Шу сабабли, аудитор капитал қўйилмаларни режалаштиришнинг амалий жиҳатдан асосланганлигини текширишда режанинг бажарилиш даражасини, режа бажарилмаган ҳолатда унинг сабабларини аниқлаш, ҳисоб-китоб ва лойиҳа-смета қоидаларига риоя қилиниши, капитал қўйилмаларга сарфланган маб-

лағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланаётганлигини текшириш, тугалланган қурилишни қабул қилиш тартиби билан танишиш лозим. Аудитор бу вазифаларни амалга оширишда корхонада капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг амалдаги қонунчилик талабларига

мувофиқлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги саволномани тузиб олиши зарур. Бозор иқтисодиёти шароитида капитал қўйилмалар саноат корхоналари фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этади. Улар фойдаланилаётган асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа активларни сотиб олиш таъмирлаш, кенгайтириш яратиш ва такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириши зарур. Шу сабабли, аудитор капитал қўйилмаларни режалаштиришнинг амалий жиҳатдан асосланганлигини текширишда режанинг бажарилиш даражасини, режа бажарилмаган ҳолатда унинг сабабларини аниқлаш, ҳисоб-китоб ва лойиҳа-смета қоидаларига риоя қилиниши, капитал қўйилмаларга сарфланган маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланаётганлигини текшириш, тугалланган қурилишни қабул қилиш тартиби билан танишиш лозим. Аудитор бу вазифаларни амалга оширишда корхонада капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги саволномани тузиб олиши зарур. Таклиф этилаётган тестлар ёрдамида корхонада капитал қўйилмалар ҳисобини ташкил этилиши тўғрисида тўлиқроқ ахборотлар олиши мумкин. Бу эса капитал қўйилмалар аудити бўйича аудитор томонидан тузиладиган аудиторлик хулосасини ишончлилигини таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар

Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирозининг глобаллашуви ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг салбий оқибатларини бартараф этиш жараёнида капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий изланишлар натижалари қуйидаги хулосалар қилишга имкон берди:

1. Диссертацияда республикаимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг фикрлари асосида капитал қўйилмаларнинг корхоналар иқтисодий фаолиятидаги ўрни аниқланган ва уларнинг қуйидаги мукаммаллашган таърифи берилган: “*капитал қўйилмалар* - асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш, қуриш, капитал таъмирлаш, яратиш, кенгайтириш, янгилаш ва шу кабилар билан боғлиқ харажатлар йиғиндисидир”.

Илмий ишда капитал қурилиш харажатларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган бевосита ва билвосита харажатлар иқтисодий элементлари бўйича таснифлаб кўрсатилган.

2. Диссертацияда тадқиқот объекти корхоналарида қўллаш учун “Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома”, 18-сонли “Капитал қўйилмалар бўйича харажатлар ҳисоби қайдномаси”, “Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси” каби дастлабки ҳужжатларнинг шакллари такомиллаштириш борасида таклиф берилган.

3. Илмий тадқиқотда 0860-“Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар” счётида йиғилган суммани ҳисобга олишда 0100-“Асосий воситалар ҳисоби счётлари” счёти таркибида янги 0113-“Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган ва ободонлаштириб ўзлаштирилган асосий воситалар” счётини очиш тавсия этилган. Шу билан бирга, мазкур объектлар эскиришини ҳисобга олиш учун 0200-“Асосий воситаларнинг эскириши ҳисоби счётлари” счёти таркибида ҳам 0213-“Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган ва

ободонлаштириб ўзлаштирилган асосий воситаларнинг эскириши” счѐтини очиш таклифи берилган.

4. Тадқиқот ишида ривожланган мамлакатлар тажрибасини таҳлил этиш асосида 0800-“Капитал қўйилмалар ҳисоби счѐтлари” счѐти таркибида янги аналитик счѐтлар очиш таклиф этилган. Жумладан, 0810-“Тугалланмаган қурилиш” счѐтида: 0811-“Тугалланмаган қурилишга сарфланган моддий ва меҳнат харажатлари, 0812-“Тугалланмаган қурилишга бажарилган иш ва хизматлар”, 0813-“Тугалланмаган қурилишга олинган банк қарзлари ва бошқа қарзлар бўйича харажатлар (фоизлари билан)”, 0814-“Бошқа тугалланмаган қурилиш харажатлари”, 0820-“Асосий воситаларни сотиб олиш” счѐтида эса: 0821-“Асосий воситаларни келтириш билан боғлиқ моддий ва меҳнат харажатлари”, 0822-“Асосий воситаларни сотиб олишда кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлар”, 0823-“Асосий воситаларни сотиб олишда банк кредитлари ва бошқа қарзлар бўйича харажатлар”, 0824-“Асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ бошқа харажатлар” каби аналитик счѐтларни очиш тавсия қилинган. Шунингдек, 0111-“Ерни ободонлаштириш” счѐтини 0111-“Ободонлаштирилган ер” деб номлаш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган, чунки ерни ободонлаштириш харажатларни сарфланиш жараёнини англатса, “ободонлаштирилган ер” жумласи тугалланган жараённи билдириб, аниқ қиймат кўринишига келган асосий восита қийматини ифодалайди.

5. Тадқиқотда хўжалик усулида бажарилган капитал қурилишда капитал қўйилмаларни баҳолашнинг илмий жиҳатдан асосланган тартиби ишлаб чиқилган. Шунингдек, унда қурилиш ташкилотларида трансферт баҳони шакллантириш услуби ва тамойиллари тадқиқ этилган.

6. Диссертация ишида банк ва бошқа субъектлардан олинган кредит ёки қарзлар фоизларини капиталлаштириш услуби таклиф этилган. Илмий ишда кредит фоизларини капиталлаштиришнинг ижобий жиҳатлари аниқ мисолларда ифодалаб берилган.

7. Тадқиқотда капитал қурилишда аудиторлик текширувининг услубий асосларини такомиллаштириш, аудитни ўтказиш алгоритминини ишлаб чиқиш борасида муҳим тавсиялар берилган. Унда капитал қўйилмаларни текширишда аудит ўтказиш режаси ва аудитор дастури каби аудиторнинг ишчи ҳужжатларини мукамаллаштириш бўйича илмий таклифлар келтирилган.

Шунингдек, илмий ишда капитал қўйилмалар аудитининг самарадорлигини ошириш мақсадида “Ташкилот (бўлинма)нинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича аудиторнинг саволномаси”, “Капитал қўйилмалар аудити бўйича аудиторнинг тест саволлари”нинг намунавий шакллари тавсия этилган.

8. Диссертацияда капитал қўйилмалар аудитини ўтказишда ҳужжатли текшириш ва ашёвий текшириш усулларини қўллаш ҳамда такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар берилган.

Илмий ишда мазкур усуллари қўллашда аудит манбалари қурилишда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари, тузилган пудрат ва субпудрат шартномалари, қурилиш объектларида иш юритиш журналлари (КҚ-6-шакл), бажарилган қурилиш ишларини топшириш ва қабул қилиш далолатномалари (КҚ-2-шакл), тугалланмаган қурилиш ишларини инвентаризация қилиш далолатномаси (КҚ-7-шакл), тугалланмаган қурилиш ишларининг қолдиғи тўғрисидаги маълумотнома (КҚ-3-шакл), бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари бўйича сифатсиз бажарилган ишлар юзасидан далолатнома ва нуқсонлар қайдномалари (КҚ-4-шакл), бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи регистрларидан иборат таркибда таснифлаб берилган.

9. Тадқиқотда капитал қўйилмалар аудити жараёнида молиявий таҳлил маълумотларидан фойдаланиш услуби илмий жиҳатдан асосланган. Илмий ишда аудиторнинг капитал қўйилмалар иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишда фондлар рентабеллиги, фонд қайтими, фонд сиғими ва капитал қўйилмаларнинг ўзини-ўзи қоплаш муддати каби кўрсаткичларни аниқлаши мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I. Расмий материаллар

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармондари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент И.А.Каримовнинг асарлари

1.1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 1992.

1.2.Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.-Т.: Ўзбекистон, 2007.

1.3. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 1996.

1.4.”Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрири) 2000.

1.5. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари.-Т.: Ўз. БАМА, 2004-186 б.

1.6. Международные стандарты финансовой отчетности.-М.: Аскери- АССА, 1999.-218 с.

1.7. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (21-БҲМС).-Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи , 2007.-256 б.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом. (ЎзР. ВМ.нинг қарорлари асосидаги ўзгартиришлар билан).

1.9. И.А. Каримовнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини яратиш бўйича Республика комиссияси мажлисидаги “Замонавий кадрлар- тараққиётимизнинг муҳим омилидир” мавзусида сўзлаган нутқидан “Маърифат” газетаси. 1997 йил, 7 июнь.

1.10. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш- барча ислохотлар ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Президент Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг

муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.-Т.: Халқ сўзи. 2008 йил 9 феврал. №28 (4438). 1-3-бет.

1.11. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш –давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.-Т.: Халқ сўзи. 2008 йил 14 феврал. №28 (4438). 1-3-бет.

1.12.Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз. Т.12.- Т.: Ўзбекистон, 2004.- 400б.

1.13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-б.

1.14.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. —Т.: Ўзбекистон, 2000.

II. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

2.1. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб.-Т.: Молия,2002.-672 б.

2.2. Ваҳобов. А, Иброҳимов А. Молиявий таҳлил. Дарслик.-Т.: Шарқ, 2002.

2.3. Воҳидов С.В. ва бошқ. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари.-Т.: Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.-237 б.

2.4. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003.-612 с.

2.5. Жуманиёзов К.К. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари.-Т.: А. Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 2003.-159 б.

2.6. Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби.-Т.: Шарқ, 2004.-592 б.

2.7. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет.-М.: Инфра-М, 2002.-640 с.

2.8. Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари.-Т.: ТМИ, 2004.-348 б.

2.9. Махмудов А.Н. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва аудити.-Т.: ТМИ,

2002.-118 б.

2.10. Мусаев Ҳ.Н. Аудит.-Т.: Молия, 2003.-220 б.

2.11. Эшбоев У., Ахмаджонов К. Бухгалтерия ҳисоби Т.: «УАЖБНТ» маркази, 2004 .

2.12. Палий В.Ф., Палий В.В. Финансовый учет. Учебное пособие. (2-е изд., перераб. и доп.)-М.: ИДФБК-ПРЕСС, 2001.-672 с.

2.13. Ҳошимов Б. Бухгалтерия ҳисоби назарияси.-Т.:”Yangi asr avlodi”, 2004.

2.14. Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. 2-том - Т.: Ўзбекистон БАМА нашр, 2002.-122 б.

2.15. Хасанов, Батыров Т., Азизов А. Правовое регулирование предпринимательской деятельности.-Т.: ЮСАИД, «ПРАГМА» корпорацияси, 2003.-207 с.

2. 16. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.-Т.: Молия, 2003. - 247 б.

2.17. Хасанов Б.А. Ички аудитни автоматлаштириш асослари.-Т.: Фан, 2003.

2.18. Ҳамдамов Б.К. Аудит иқтисоди.-Т.: ТМИ. 2005.-251 б.

2.19. Николаева О. Международные стандарты финансовой отчетности: М.: УРСС, 2001- 264с.

2.20. Чая В., Чая Г. Международные стандарты финансовой отчетности, ГУП ИПК «Ульяновский Дом печати» 2000.

2.21. Mveller, Gernon and Meek. Accounting: An International Perspective. Third edition 1993.

2.22. Pany and Whittington. Auditing. 1999.

2.23. Fremger F. M. Accjunting for Analysis: Third Edition. Richfrd D. Irwing Inc., Homewoog, Illions, 1996.

2.24. Пардаев М.К., АбдукаримовИ.Т., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил.Т.: «Меҳнат», 2004

2.25. Қодирхонов Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Т. : Меҳнат 2001 .

2.26. К.Ўразов. Инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби. Т.: ”Молия” 2006 .

2.27. Ғозибеков Д.Ғ. “Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. .: Фан ва технология” 2004.

2.28. Шарп У., Бейли Дж. Управленческий учет М. Ф иК 2001г

2.29. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журнали, 2006-2009 йиллардаги нашрлари.

2.30. Бозор, пул ва кредит" журнали, 2006-2009 йиллардаги нашрлари.

2.31. "Солиқлар ва божхона хабарлари" газетаси, 2006-2009 йиллардаги нашрлари.

III. Авторефератлар

3.1. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари.: Иқт. фан. докт. дис....автореф.-Т.: ЎзР БМА. 2002.

3.2. Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш.: Иқт. фан. докт. дис....автореф.-Т.: ЎзР БМА, 2002.

3.3. Лавренчук Е.Н. Совершенствование управленческого учета в строительстве.: Автореф.дис....канд. экон. наук.-М.: 2001.

3.4. Отажонов Б.О. Организация и методика внутреннего аудита и финансового анализа деятельности кредитных организаций.: Авто-реф.дис.... канд. экон. наук.-М.: МГУ. им. М.В.Ломоносова. 2001.

IV. Симпозиум, конференция ва семинар материаллари

4.1. Бобожонов О., Хонназаров А. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув ҳисобини такомиллаштириш муаммолари.//”Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш масалалари” мавзусидаги Халқ. илм.-амал. анжум. илмий ишлар тўплами -Тошкент.: ТМИ. 2004.

4.2. Каримов А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш услублари. //“Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги ҳисоблар

режасини амалиётга жорий этиш муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, ТМИ. 2002. 128-129 б.б.

4.3.Хасанов Б.А. Учет нормативных затрат в системе «Стандарт-кост». //Татуровские чтения. тез. докл. межд. конф. 2001.

4.4. Эгамбердиева С.Р. Капитал қўйилмалар ҳисоботини такомиллаштириш.//журн. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2002. №10-11.-0.2 б.т.

4.5. Ибрагимов А.Т., Эркабоев Ф.Т. Иқтисодий таҳлил фанининг бошқа фанлар билан узвий боғлиқлигини таъминлашнинг баъзи жиҳатлари. //«Иқтисодий фанлар узвийлигини таъминлашнинг ҳозирги замон муаммолари ва ечимлари»: Респ.илм.-амал.анжум. 2005. 6 декабр .-Тошкент.: ТМИ. 2005. 116-118-бетлар.

4.6. А.Р. Яхшиев, Ғ.М.Авлоқулов Капитал қўйилмалар халқаро стандартлар асосидаги ҳисобнинг объекти сифатида. “Фан, тараққиёт ва ёшлар” мавзусидаги илмий - амал.конф. маърузалари тўплами. -Қарши 2008. 85-87 бетлар.

4.7. А.Р.Яхшиев, Капитал қўйилмалар ҳисобини стандартлар асосида юритиш. “Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш шароитида қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишнинг стратегияси ва истиқболлари” мавзусидаги респ.илм. –амал.конф. маърузалари тўплами. - Қарши.: 2009 124-125 бетлар.

4.8. С.Р.Эгамбердиева, А.Р.Яхшиев, Капитал қўйилмалар аудитини такомиллаштириш. “Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш шароитида қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишнинг стратегияси ва истиқболлари” мавзусидаги респ.илм. –амал.конф. маърузалари тўплами. - Қарши.: 2009 120-121 бетлар.

V. Интернет сайти маълумотлари

5.1. <http://www.referat.uz>.

5.2. <http://www.buhgaltcria.com.ua>.

5.3. <http://www.lc.ru>.

5.4. <http://www.glavbukh.ru>.

5.5. <http://www.saldo.ru>.